O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 19-dekabr, chorshanba ✱ № 51 (803) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ elektron manzil: info@uzhurriyat.uz ✱ www.uzhurriyat.uz

МИЛЛИЙ АХБОРОТ СЕГМЕНТИ

Бугун замон шиддат билан ўзгармоқда. Шу боис, матбуот соҳасида навбат кутиб турган, бошқача айтганда, эшигимизни анчадан буён тақиллатиб турган янгиланишларнинг ўз "уйимиз"га кечикиб кириб келишларига асло йўл қўя олмаймиз.

➪ 4-бет

ВИЧнинг АКС ТАЪСИРИ

АҚШлик шифокорлар ўткир лейкоз касаллигига чалинган 7 ёшли қизнинг бутунлай тузалиб кетгани ҳақида маълум қилишди.

Тажрибалар чоғида бемор қонидаги маълум бир лимфоцитлар ажратиб олиниб, лаборатория шароитида уларга кучсизлантирилган иммунодефицит вируси қўшилди. Натижада лимфоцитлар хавфли ўсимталарни емирувчи шифобахш воситага айланди.

5-бет

ТУРМУШНИНГ МУШТЛАРИ ПИШИТГАН АДИБ

ЁХУД ЖЕК ЛОНДОННИ БУЮК ҚИЛГАН МАШАҚҚАТЛАР

Мана шундай қийин шароитда ҳам Жек мутолаага вақт топар, ўқишга қизиқиши, адабиётга меҳри юқорилиги туфайли маҳаллий газеталарда чоп этилган хабарлар, мақолалар, роман ва повестларни мунтазам ўқиб боришни канда қилмасди. Шаҳар жамоат кутубхонаси ҳақида хабар топганда унинг қувончи ичига сиғмайди, тезда бу зиё масканига аъзо бўлади.

➪ 6-бет

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 декабрь куни Оқсаройда Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қўламли ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, мамлакатларимиз манфаатларига таллуқли долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, ўзаро ҳамкорлик деярли барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

2012 йилнинг июнь ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги учрашув чоғида эришилган принципиал келишувлар ва уларнинг якуни бўйича имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги Стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларацияни амалга ошириш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш Ўзбекистон-Россия мулоқотини янада мустаҳкамлашнинг устувор йўналишларидандир.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги мажлиси ўзаро савдо ва сармоявий алоқаларни диверсификация қилишдан икки томон ҳам манфаатдор эканини тасдиқлади.

Оқсаройдаги учрашувда минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик, бугунги кундаги умумий хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашиш борасида биргаликда чора-тадбирлар қабул қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

С.Лавров самимий қабул ҳамда икки ва кўп томонлама ҳамкорлик истиқболларини атрофлича муҳокама қилиш имконияти учун давлатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик изҳор этди, шунингдек, Россия раҳбариятининг Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва конструктив ҳамкорликка тайёр эканини тасдиқлади.

Учрашувда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎзА

Ижтимоий адолат тантанаси

Якунланаётган ҳар бир йил ҳаётимизнинг бетакрор саҳифаси сифатида Истиқлолимиз тарихидан жой олади. Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида, одамларнинг дунёқараши ва турмуш тарзида ўзига хос маъно ва мазмунга эга из қолдиради. Шу жиҳатдан қараганда, "Мустаҳкам оила йили" ҳам амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқларни сарҳисоб қилганда, аввалги йиллардан асло кам бўлмади.

Ҳаётимизнинг барча соҳаларида муҳим ўзгаришлар юз берди. Мамлакат иқтисодиёти юксалиш сари юз тутди. Нуфузли халқаро ташкилотлар, банк ва молия муассасалари Ўзбекистон аҳолисининг даромадлари муттасил ошиб бораётганини расман эътироф эта бошлади. Қисқа вақт мобайнида демократик тизимнинг шаклланиши, яъни ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд-ҳуқуқ тармоқларининг ўзаро муносабатлари аниқ-равшан белгилаб қўйилиши, бу муносабатлар орасидаги мутаносибликнинг таъминланиши, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда кўппартиявийликнинг юзага келиши, сиёсий партиялар фаолиятининг йўлга қўйилиши, улар орасидаги соғлом рақобат шаклланиши, мамлакат Конституциясида янги тизимга кенг имконият ва ваколатлар бериб қўйилиши, чиндан ҳам тарихий аҳамиятга эга ютуқларимиздир. Яна бир муҳим марра — мамлакатимизда мулк ва мулкдорларга нисбатан муносабатнинг тамомила ўзгариши, жамиятда янги синф вакилларининг пайдо бўлиши, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун йўли билан ҳимоя қилинишида ўз аксини топди.

3 ➪

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

13 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати Раисининг ўринбосари Дмитрий Козакни қабул қилди.

Музокаралар чоғида томонлар иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашдилар.

14 декабрь куни халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Юртбошимиз ўз маърузасида вилоятда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини қайд этиш билан бирга, олдинда турган вазифалар, ечимини кутаётган муаммолар ҳақида тўхталиб ўтди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тавсиясига кўра, Фарғона вилояти ҳокими вазифасини бажариб келаётган Шуҳрат Ғаниев Фарғона вилояти ҳокими этиб сайланди.

13 декабрь куни Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Россия ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари, жумладан, савдо, сармоя, ёқилғи-энергетика, автомобилсозлик, авиаташув, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш, қўшма корхоналарни, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини кўпайтириш, биргаликда ўзаро фойдали лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Мамлакатимизга ташриф буюрган Корея Республикасининг Бандлик ва меҳнат вазири Ли Чэ Пил раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири Актам Ҳайитов билан учрашди.

Учрашувда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва бандлигини таъминлаш борасида икки мамлакат ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга доир масалалар муҳокама қилинди.

«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

ОБУНА — 2013

Қадрли юртдошлар!

Азиз муштарийлар!
"HURRIYAT" газетаси — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларининг фаол тарғиботчисидир.
2013 йил учун обуна давом этмоқда.
Сиз ҳам жамоатчиликдан четда қолманг.
Обуна бўлинг!

"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ

Эслатиб ўтамиз:
"HURRIYAT" *нинг нашр индекси — 233*

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

Ҳарбийлар маънавиятига эътибор

Тоғам ҳарбий эдилар. Улар келди дегунча, уйимиз жим-жит бўлиб қолар, салобати, жиддий қиёфаси, гап-сўзларигача одамни тортиниб туришга мажбур қиларди. Ҳозиргача ҳарбий соҳа вакилларининг барчаси кўз олдимда ана шундай-жиддий, салобатли намоён бўлаверади.

Айрим манбаларда қайд этилишича Наполеон ҳам ўз давлатчилик сиёсатини, ҳарбий соҳа фаолиятини шакллантиришда Буюк Амир Темурнинг «Темур тузуклари»ни ўзига дастуриламал билган экан, Тарих саҳифаларида бундай мисоллар куп. Биргина жасоратли саркарда Жалолиддин Мангубердининг ҳарбий жанг санъати, салоҳияти, қатъий интизоми, уларнинг қобилиятини тарбиялашга хизмат қилувчи жасоратлари ҳақидаги ҳикояларни олиб кўрайлик.

Маълумки, ҳарбийлар шахсиятига хос бўлган қатъият, кескирлик, синчковлик ва мардлик ўз-ўзидан шаклланмайди, балки бундай хусусиятлар тинимсиз машқлар, мутолаа ва мушоҳадалар эвазига камол топади. Бунда жисмоний машқлар билан бирга таъкидлаганимиздек мутолаа қилишнинг-да ўрни беқиёс. Шу сингари мақсадларда ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ҳарбий соҳа нуфузини оширишда айни муддао бўлди.

2 ➪

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН IV МОДДАГА МУВОФИҚ 2012 ЙИЛГИ МАСЛАҲАТЛАР ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА МИССИЯ ИШИНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА БАЁНОТ

Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) миссияси 2012 йилнинг 28 ноябрь — 7 декабрь кунлари IV Модда бўйича маслаҳатлар доирасида муҳокамалар ўтказиш учун Тошкентда бўлди. Миссияга ХВЖнинг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти бўлими бошлиғининг ўринбосари Вероника Бакалу хоним раҳбарлик қилди. ХВЖнинг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти директори ўринбосари Даниэла Гриссани хоним миссия ишининг дастлабки муҳокамаларида иштирок этди.

ХВЖ миссияси ва Ўзбекистоннинг расмий органлари сўнгги даврда иқтисодиётда рўй бераётган воқеалар ривожини муҳокама этиб, яқин ҳамда ўрта муддатдаги истиқболлар, шунингдек, жаҳон иқтисодиёти ривожланиши секинлашишининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳақида фикр алмашди.

Вероника Бакалу хоним миссия иши якунлари тўғрисида қуйидагича баёнот берди:

"Ўзбекистон иқтисодиёти жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Солиқ-бюджет ва ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги мустаҳкам позиция, банк тизимининг барқарорлиги, давлат қарзининг камлиги ва ташқаридан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг салбий оқибатларидан ҳимоя қилди.

2011 йилда ялпи ички маҳсулот 8,3 фоиз ўсди. 2012 йилнинг сентябригача бўлган даврда эса ушбу кўрсаткич асосий экспорт товарлар нархларининг юқорилиги, давлатнинг фаол иштирокида ички истеъмол ва инвестицияларга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда амалга оширилган иқтисодий сиёсат чора-тадбирлари натижасида 8,2 фоиз ўсди. Бунда хизмат кўрсатиш, транспорт ва алоқа, қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг изчил ривожланиши муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Ташқи иқтисодий алоқаларда Ўзбекистоннинг позицияси мустаҳкам сақланиб турибди, яқинда олтин экспорт қилиш ҳажми камайганига қарамай, жорий операциялар ҳисоб-китоби бўйича профицит кузатилмоқда.

2011 йилнинг ўрталаридан пул-кредит сиёсати сезиларли даражада қатъийлаштирилди. Соф хорижий активлар давлат депозитларининг, жумладан, Ўзбекистон Тараққиёт ва тикланиш жамғармасида тўпланиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ликвидликни бартараф этишга доир операцияларининг фаоллашиши ҳисобидан кўпайди. Ўзбекистон банк тизими юқори кўрсаткичларни намойиш этиб келмоқда. Халқаро стандартлардан келиб чиқиб қараганда, банклар капиталининг етарлилик коэффициенти юқори даражада сақланиб турибди.

2011 йилнинг ноябрида йиллик инфляция энг юқори даража, яъни 13,8 фоизга етгач, ХВЖ ходимлари томонидан қўлланиладиган истеъмол нархлари индексини ҳисоблашнинг муқобил услубидан келиб чиқиб ҳисоблаганда, 2012 йилнинг октябрь ойига келиб, 10,7 фоизгача пасайди. Ушбу инфляция кўрсаткичи сарф-харажатлар қопланишига эришишга қаратилган ёқилғи, коммунал хизматлар, нон учун тартибга солинадиган нархларнинг ошиши, шунингдек, миллий валюта курсининг пасайиши, пенсия ва иш ҳақининг сезиларли даражада ошиши ҳисобидан эҳтиёжнинг ўсишида ўз ифодасини топди. Расмий органлар услубига мувофиқ йиллик инфляция 7 фоиз атрофида бўлди.

Миссия томонидан 2012 йилда ялпи ички маҳсулот 8 фоизга ўсиши кутилмоқда, айни пайтда ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётнинг жадал ўсиш суръатлари прогноз қилинмоқда. Иқтисодий ўсиш бундан буён ҳам саноатлаштириш давлат дастури доирасида ички истеъмол талабини кенгайтириш ва инвестицияларни кўпайтириш сиёсати орқали қўллаб-қувватланади. Ташқи иқтисодий алоқалар ва солиқ-бюджет соҳасида мустаҳкам позиция сақланиб қолиши кутилмоқда.

Таркибий ислоҳотларнинг жадаллаштирилиши, барқарор ва ҳар томонлама иқтисодий ўсишни таъминлаган ҳолда, ишлаб чиқариш самарадорлигининг янада ошишига хизмат қилади. 2012 йилда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича амалга оширилаётган ташаббуслар ижобий баҳоланмоқда ва уларни ҳаётга фаол татбиқ этиш даркор.

Миссия расмий органларга бундан буён ҳам узоқ муддатли даврда инфляция даражасини пасайтириш, барқарор ва ҳар томонлама иқтисодий ўсишни таъминлашга эътиборни янада кучайтиришни тавсия этади. Шунингдек, миссия қатъий пул-кредит сиёсатини давом эттириш ва янада мослашувчан алмашув курсига риоя этишни ҳам тавсия қилди. Жаҳон иқтисодиётида ҳукм сураётган мураккаб вазият билан боғлиқ таваккалчиликларни амалга оширишда иқтисодий сиёсатни ҳаддан зиёд қатъийлаштирмаслик имкониятлари пайдо бўлиши мумкин. Бундан ташқари, бюджет позицияси заифлашувининг олдини олиш, молиявий воситачиликни янада кенгайтиришга оид чора-тадбирлар кўриш, айниқса, валюта ва ташқи савдони тартибга солиш тизимида, солиқ маъмурчилиги, давлат маблағлари ва уларни бошқаришни тартибга солиш бўйича ислоҳотларни амалга ошириш, шунингдек, иқтисодиётга оид маълумотлар сифатини ошириш ҳамда уларнинг тарқатилишини такомиллаштириш билан боғлиқ иқтисодий сиёсатга доир чора-тадбирларни кўришни ҳам тавсия этади.

Миссия ХВЖ ходимлари Ўзбекистонга ислоҳотларни амалга оширишда, жумладан, техник ёрдам кўрсатиш орқали кўмаклашишга тайёр эканини таъкидлайди.

Миссия Ўзбекистоннинг расмий органлари ва бошқа ҳамкорларга самимий меҳмондўстлик ҳамда самарали мулоқот учун миннатдорлик изҳор этади».

Мақсад — тинчлик ва осойишталикни сақлаш

Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган туб ислоҳотлар самарасида давлатимиз ўзининг замонавий, давр талабига тўла жавоб берадиган миллий армиясига эга бўлди. Бугун мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафида хизмат қилиш ҳар бир йигит учун эзгу орзу, том маънодаги шон-шараф ишига айланди.

Фахру ифтихор манбаи бўлган миллий армиямиз янгича шакл ва мазмун касб этиб бораётганлигини Шарқий ҳарбий округнинг Наманган шаҳрида жойлашган ҳарбий қисми мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Давлатимиз раҳбари томонидан ихчам, ҳаракатчан ва кучли салоҳиятга эга миллий армияни шакллантириш ва унинг моддий-техника базасини давр талаби асосида мустаҳкамлаш, шахсий таркибнинг жанговар, интеллектуал тайёргарлигини юксалтиришга қаратилаётган катта эътибор соҳамизда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг асосий омили бўлмоқда, — дейди ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор Нуриддин Мирзаев. — Бу нафақат ҳарбий қисмларнинг бугунги жанговар ҳолати, балки ёшлар ўртасида ҳарбий хизматчи бўлишга қизиқиш тобора кучайиб бораётганида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Маънавият хонаси, мингдан зиёд китоб фондига эга кутубхона ва барча шарт-шароитларга эга спорт залида ўз билим ва маҳоратини ошираётган аскарлар муддатли ҳарбий хизматни айнан шу қисмда ўтаётганидан мамнун.

— Мен Самарқандда туғилиб ўсганман, — дейди Шуҳрат Раҳматов. — Муддатли ҳарбий хизматни Андижонда ўтаб, шартнома асосида ҳарбий хизматни мазкур қисмда давом эттираётганимдан жуда хурсандман. Чунки бу ерда етук ҳарбий хизматчи бўлиб шаклланиш учун барча шароит бор. Мақсадим олий ҳарбий билим юртида ўқиб, профессионал Ватан ҳимоячиси бўлиб етишиш.

Қисм шахсий таркибнинг ҳарбий билим ва малакасини ошириш учун замонавий қурол-аслаҳалар, анжомлар, жиҳозлар билан тўла таъминланган. Жумладан, Фотоэлектронтренажёр аскарларда мураккаб шароитларда автомат ва пистолетдан нишонга уриш бўйича психологик кўникмалар ҳосил қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, бу ерда Наманган муҳандислик-технология, Наманган муҳандислик-педагогика институтларининг профессор-ўқитувчилари томонидан келгусида олий ўқув юртларига кириш ниятида бўлган муддатли ҳарбий хизматчилар имтиҳонларга тайёрлаш дастури бўйича ўқитилмоқда.

Ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига шарт-шароитлар яратиб бериш, уларнинг бу борадаги имтиёзлардан унумли фойдаланишига кўмаклашиш ҳам ҳарбий қисм раҳбариятининг доимий диққат эътиборида. Ҳарбий хизматчиларнинг турмуш ўртоғини ишга, бошқа вилоятлардан келган офицерларнинг фарзандларини мактаб ва мактабгача таълим муассасаларига жойлаштириш масаласида доимий равишда амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Муддатли ҳарбий хизматни ҳар жиҳатдан намунали ўтаган аскарлардан йигирма бир нафарига турли олий ўқув юртларига кириш учун имтиёзли тавсиянамалар берилди.

Бундай юксак эътибор ва кенг имкониятларга жавобан аскарлар мустақил юртимиз ва унинг сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш, халқимиз тинчлик-осойишталигини сақлаш, она Ватанимизнинг равнақи ва ёруғ келажаги йўлида садоқат билан хизмат қилмоқдалар.

А. САТТОРОВ,
ЎзА мухбири

Ҳарбийлар маънавиятига эътибор

(Бошланиши 1-бетда.)

Жойларда мазкур кенгашнинг фаолияти билан оммани яқиндан таништириш, унинг таркибий тузилиши, мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб қилиш мақсадида мунтазам равишда давра суҳбатлари, анжуманлар, маданий тадбирлар ташкил этилмоқда.

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши: мақсад-вазифалар, янги йил режалари» мавзуидаги матбуот анжумани бўлиб ўтди. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларга бағишланди.

Тадбирда жамоатчилик кенгаши зиммасига юклатилган мақсадлар — мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасидаги алоҳида ҳуқуқий-меъёрий актларни жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини амалга ошириш, ҳарбий қисмларда турли маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш, жамоат бирлашмалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан Мудофаа вазирлиги ўртасида самарали ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши ҳақида сўз юритилди.

Анжуманда ҳарбийлар ҳаётини акс эттирувчи киносценарийлар ва ҳарбий ватанпарварлик руҳидаги бадиий асаларнинг нисбатан камлиги ва бу бўшлиқни тўлдириш зарурлиги юзасидан фикрлар тингланди.

Акмал ЖУМАМУРОДОВ,
"Hurriyat" мухбири

НТТлар фаолиятидан

Миллий ҳунармандчилик ривож топади

Яқинда ўзим иштирок этган тадбирда Жиззахнинг турли жойларидан келган ҳунармандларнинг ишларига гувоҳ бўлдим. Қўчқор бобонинг бешикларидаги бежирим нақшларда эзгу тилаклар акс этган бўлса, Дилноза Туроповонинг атоқли шоира Зулфия сиймоси гавдалантирилган ҳайкалтарошлик асари кишига ўзгача завқ беради. Уларни кузатган одамнинг баҳри дили очилади.

...Жиззахга келсангиз, бу ердаги турли иморатларнинг замонга мослаб қурилганини кўриб қувонасиз, албатта. Шаҳардаги бир хонадонда сандон садосини эшитсангиз, бирида ёғочга меҳр бераётган отахоннинг завқи ҳукмрон. Фикримизни жонли мисолларда исботлашга ҳаракат қиламиз. Шунда Жиззахга йўлингиз тушса, бу шаҳардан эсдалик учун нимадир олиб қайтсангиз, не ажаб.

Мен таълим олган мактабнинг ёнида бир мадраса бўларди. Эсимда, синфдошларим билан мадраса атрофини ободонлаштиришга борганимизда унинг айлана зинаси бўйлаб тепага кўтарилгандик. Рости, қадим замонларда саройини айланиб юрган маликалардек ҳис этгандим ўзимни. Ўшанда шаҳарнинг бор гўзаллигини кўргандик, севинчдан яйрагандик. Кучли ҳаяжонланганимиздан бу ерга нега келганимиз ҳам ёдимиздан кўтарилганди. Мадраса 22 ҳужрадан иборат бўлиб, унинг нақшинкор эшикларини Уста Ёқуб ўғли деган инсон ясаган экан.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, деярли харобага айланган мадрасага алоҳида эътибор қаратилди. 1997 йили бу ерда республика "Ҳунарманд" уюшмасининг Жиззах вилоят бошқармаси ўз фаолиятини бошлади. Ҳозирда ҳунармандларнинг ҳақиқий уйига айланган бу бинода улар учун барча шароитлар муҳайё этилган. 2009 йилга келиб бошқарма вилоятнинг Фориш, Зомин, Ғаллаорол, Бахмал, Жиззах каби 6 тумани ва вилоят марказида ўз бўлимларини очди. Шундан кейин бошқарма кўплаб ҳунармандларнинг бошини қовуштиришга эришди.

Яқинда бир тадбирда мазкур бошқарманинг Жиззах туман бўлими раиси Баҳром Файзиевни учратиб қолдим. Унинг айтишича, олти авлоди ҳунарманд ўтган Қўчқор бобо мана, етмиш йилдирки, яхши ният билан одамларга бешик ясаб беради.

— Бобонинг айтишича, — дейди Баҳром ака, — унинг отаси устозининг ёнидан кетмай, устахонада ётиб қолган пайтлари кўп бўлган экан. Эсини таниши билан бу ҳунарга меҳри тушган Қўчқор бобо мактабда ўқиб юрган кезларида кичик-кичик бешикчалар ясашни ўз машғулотига айлантирган. Сингиллари, унга тенгдош қизлар ана шу бешикчаларга ҳаваслари келганидан қўғирчоқларини белашаркан. Отахон тўнғич ўғли Саъдулла акага атаб ясаган бешигини ажиб хотиралар билан эслайди. 1961 йили ясалган бешикка ҳозир эвараларини белашяпти.

Кўп йиллик меҳнатлари самарасини кўраётган Қўчқор бобо: "Ҳунари борнинг турмуши фаровон бўладиган замон келди. Ҳалоллик билан қилинган иш ортидан кўпдан дуо олаяпмиз. Ҳозир фарзандларим ишимни давом эттиришаяпти. Бу эса ҳунарманд сулоламизнинг бардавомлигидан дарак беради", — дейди мамнуният билан. Давлатимиз ҳам бу ишларни муносиб баҳолади. 2003 йилда отахон "Шуҳрат" медали, 2007 йили Ўзбекистон Бадиий академиясининг махсус дипломи билан тақдирланди. "Ташаббус" кўрик-танловининг вилоят босқичларида бир неча марта юқори ўринларни эгаллади.

Қўчқор бобо каби ҳунармандларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда республика "Ҳунарманд" уюшмаси вилоят бошқармасининг ҳиссаси қатта. Бугунги кунда вилоятда 160 дан ортиқ ҳунармандлар бор. Жорий йилда 30 нафардан зиёд ёшлар "Acsels" ўқув маркази билан имзоланган ҳамкорлик битимига асосан ташкил этилган "Устоз-шогирд" мактабида касбга йўналтирилди. 2012 йил апрель ойида бошқарма Жиззах шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда "Хўжа Нуриддин ҳожи" мадрасасида БМТ ва ЮНЕСКО вакиллари иштирокида ҳунарманд касаначилар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмасини ташкил этди.

Ҳунармандлар оиласида камолга етган бошқарма раиси Камол Абдураҳимов ҳунармандлар ишини элга танитиш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш мақсадида "Ҳунарманд" савдо марказини ишга туширмоқчи эканини айтди. Шу мақсадда 2008 йилнинг 11 ноябрь куни Жиззах шаҳар ҳокимлигининг қарорига асосан бошқарманинг захира фондидан Эски шаҳар бозоридан 540 квадрат метр ер ажратилган. Айни пайтда каттагина қисми тикланган иморатнинг 2013 йилда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Шунингдек, Бахмал туманида "Бахмалнинг қўлигул аёли" гилам цехи ишга туширилди. Мераноз ҳамда қўй жунидан тайёрланаётган сифатли гиламларнинг чет элларда ҳам харидори бисёр. Бу ҳунарни пухта эгаллаган Амина Атабаева ўндан ортиқ шогирдларига гилам тўқиш сир-асрорларини сабот билан ўргатиб келмоқда. Амина опа каби қўлигул аёлларга ҳар жиҳатдан кўмак беришда "Ҳунарманд" уюшмаси вилоят бошқармаси Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг вилоят бошқармаси билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаси шу кунга қадар 27 нафар тадбиркор билан шартнома имзолади.

Мамлакатимизда ҳунармандларга яратилаётган шароитлар улар фаолиятининг янада ривожланишига хизмат қилмоқда. Масалан, якка тартибдаги ҳунармандларга иш бошлашлари учун ҳокимиятлар томонидан махсус гувоҳнома берилади, холос. Улар турли идоралар эшигида навбат кутиб ўтирмайдилар. "Ҳунарманд"га аъзо бўлган ҳунарманд даромад солиғидан озод этилади. Демак, унда эркин тарзда иш юритиши, кредит олиши ва тадбиркорликни кенг йўлга қўйиши учун катта имконият пайдо бўлади. Шундай экан, келгусида юртимизда ҳунармандчилик янада ривож топиб бораверади.

Маъмура ЁҚУБОВА

Мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди грант танловининг «Учинчи сектор ривожи йўлида ҳамфикр, ҳамқадам ва ҳаммаслак бўлайлик» номли лойиҳаси асосида чоп этилмоқда.

БАҒРИКЕНГЛИК

ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОР

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда халқимизга хос бағрикенглик ва кечиримлилик фазилатлари ҳам ўзининг яққол ифодасини топмоқда.

2012 йилнинг 5 декабрида Президентимиз Ислом Каримов тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори бу тамойилларнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш бош бошқармасида мазкур қарор ижросига бағишлаб ўтказилган йиғилишда ана шулар ҳақида сўз юритилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси, Бош прокуратура, Олий суд, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Маҳалла» жамоат фонди ҳамда «Камолот» ЁИҲ вакиллари иштирок этишди.

— Юртимизда инсон ҳуқуқи ва эркинлиги барча нарсадан устун экани бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган, — дейди ИИВ ЖИЭББ бўлими бошлиғи, милиция майори Лола Аҳмедова. — Суднинг қарорисиз инсоннинг эркинлигини ёки ҳуқуқини чеклаб қўйишга йўл қўйилмайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади» деб қайд этилганини ким бўлишидан қатъи назар ёддан чиқармаслиги керак. Дарҳақиқат, бу каби Конституциявий қоидалардан келиб чиқиб, ўтган йиллар давомида республикамиз жиноий қонунчилигини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилди. Жиноий-ижроия кодекси янгидан ишлаб чиқилиб, жазоларни ўташ шароитлари яхшиланди, муддатидан аввал жазодан озод қилиш қоидалари кўпайтирилди.

Йиғилишда жазога ҳукм қилинган аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркаклар ва чет эл фуқароларининг жазодан озод қилиниши (назарда тутилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда), шунингдек, бир неча тоифадаги шахсларнинг жазо муддати қисқартирилиши, жазо турининг енгилроғига алмаштирилиши борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, мазкур қарорда жазодан озод қилинаётган шахсларнинг жамиятда ўз ўрнини эгаллашларига ёрдам бериш, ногиронлар ва қариялар ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ёлғиз, ёрдамга муҳтож шахсларни қариялар уйларига жойлаштириш, вояга етмаганларни ота-оналар, ҳомийлик ва васийлик органлари назоратига бириктирилишига оид комплекс чораларнинг амалга оширилиши белгилаб олинди. Бундан ташқари, амнистия қарори ижросини қўллашда жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида Олий Мажлис сенаторлари ва депутатлари, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат комиссия фаолияти йўлга қўйилди.

Жобир ХЎЖАҚУЛОВ,
"Hurriayt" мухбири

Ижтимоий адолат тантанаси

(Бошланиши 1-бетда.)

Эртанги кунини ўйлайдиган, келажаги хусусида қайғурадиган, инсон манфаатларини олий қадриятга кўтарган ҳар бир мамлакат ўз фуқароларининг фаровон турмуши ва саломатлигини муҳофазалашга алоҳида эътибор қаратади. Шу нуқтаи назардан Юртбошимизнинг Конституциянинг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида мамлакатимиз тараққиётида рўй берган улкан ўзгариш ва янгиланишлар, қўлга киритилган ютуқ ва марралар, 2013 йилда аҳолини ҳар томонлама муҳофаза қилиш борасида билдирган фикрлари эртанги кунга бўлган ишончимизни янада ошириши шубҳасиз.

Мустақиллик йилларида ижтимоий соҳадаги давлат харажатлари 5 баробар ортгани, ҳар йили давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хўжалик, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш каби соҳаларга йўналтирилиши, иқтисоднинг сиёсатдан холи экани, давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат, ислоҳотларни тадрижий асосда босқичма-босқич амалга ошириш принципларини ўз ичига олган, ўзбек модели дунё тараққиётида муҳим воқеага айланиб бораётганини исботлаб турибди.

Кириб келаётган 2013 йил "Обод турмуш йили" деб эълон қилинар экан, ўз навбатида қабул қилинадиган Давлат дастурида халқ саломатлигини ҳимоялаш, соғлиқни сақлаш тизимини энг замонавий даволаш воситалари, техника ва технологиялар билан таъминлаш, аёлларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, янги уй-жойлар, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни ечиш каби долзарб масалалар ўрин олиши кераклиги таъкидланди.

Бир сўз билан айтганда, кириб келаётган янги йилга "Обод турмуш йили" деб ном берилиши истиқлол йилларида узоқни кўзлаб олиб борилаётган сиёсатнинг бош мақсади бўлмиш инсон манфаати, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада обод ва фаровон, эртанги кунимизнинг бундан-да ёруғ бўлиши йўлида яна бир улкан қадам бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Тошпўлат МАТИБАЕВ,
халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгаши депутати

ДСҚ ПОЧТАСИДАН

Маълумки, 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб кўчмас мулкни, уй-жойларни ижарага беришдан олинадиган даромадларни солиққа тортиш шартномада белгиланган ижара ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоқда. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ижарага беришдан оладиган даромадларига 9 фоиз миқдорида солиқ солинади.

ДЕКЛАРАЦИЯ АСОСИДА СОЛИҚҚА ТОРТИШ

Фуқаролик кодексининг 574- ва 603-моддаларига, Уй-жой кодексининг 86-моддасига асосан фуқаролар ўртасида бинони, иншоотни ёки уларнинг бир қисмини ва турар жойни ижарага бериш шартномаси нотариал тасдиқланиши, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган 159-модданинг 1-қисмига асосан, ушбу шартноманинг мавжуд эмаслиги ёки нотариал тасдиқланмаслиги фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш баробаридан ўн баробаригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши жорий этилди.

Шу билан бир қаторда Солиқ кодексининг 179-моддаси 11- ва 17-бандларига ўзгартиришлар киритилиб, 32-банди тўлдирилди.

Жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация солиқ тўловчининг олинган йиллик даромади тўғрисидаги ёзма аризасидан иборат бўлади. Унда солиқ тўловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, жинси, фуқаролиги, доимий яшаш жойи, манзили, солиқ тўловчининг идентификация рақами ҳақидаги маълумотлар кўрсатилиши керак. Бундан ташқари, солиқ солиниши лозим бўлган даромадлар турларга ажратилган ҳолда олинган жами йиллик даромад, даромадларнинг манбалари, даромад олиш билан боғлиқ харажатлар, мажбурий тўловлар, чиқимлар ва ажратмаларнинг суммалари, жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқ бўйича имтиёзлар, ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси ва ҳақиқатда тўланган солиқ суммаси ҳам аниқ кўрсатилган бўлиши лозим. Шунингдек, жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияга асосий иш жойи бўйича тўланган даромадлар ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисида маълумотнома ҳам илова қилинади. Ушбу декларация почта орқали ёки буюртма хат шаклида, шунингдек, электрон шаклдаги ахборот тарзида тақдим этилиши мумкин.

Жисмоний шахс тақдим этган декларациясида тўланиши лозим бўлган даромад солиғи суммаси камайишига олиб келувчи хатолар аниқланган тақдирда унга зарур ўзгартиришлар киритилиши шарт. Агар жисмоний шахснинг декларацияни ўзгартириш ҳақидаги аризаси даромад солиғи тўлов муддати тугагунига қадар берилса, солиқ тўловчи ушбу кодексда белгиланган жавобгарликдан озод қилинади. Аксинча, тўлов муддати тугаганидан кейин тақдим этилса, солиқ тўловчи солиқнинг етмаган суммасини ҳамда унга тегишли пеняни тўлаган тақдирда жавобгарликдан озод этилади. Декларация жисмоний шахслар томонидан доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этилиши лозим.

Тақдим этиш тартиби 192-модданинг тўртинчи қисмида белгиланган даромадлар тўғрисидаги декларация бўйича ҳисоблаб чиқарилган жисмоний шахларнинг даромадларидан олинадиган солиқни тўлаш декларация топширилган пайтдан эътиборан ўн беш кун ичида амалга оширилади. Якуний декларация эса ўтган солиқ давридан кейинги йилнинг 15 январига қадар тақдим этилиши белгилаб қўйилган.

М. МУКСУМОВ,
Сергели туман
ДСИ бўлим бошлиғи

Реклама

«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

очиқ аукцион савдосига таклиф этади

2013 йил 22 январь соат 11:00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига **Балиқчи тумани ҳокимлиги**га қарашли 1998 йилда ишлаб чиқарилган «ГАЗ-3102» русумли, давлат рақами 17 AV 242, бошланғич баҳоси 2 401 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Мазкур автотранспорт воситаси биринчи савдо куни, яъни 2013 йил 22 январь кунида сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоси ғолиблари томонидан автотранспорт воситасини сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига транспорт воситаси сотиб олиш баҳосининг 5 фоизи миқдорида комиссион йиғим тўланади. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 20 (йигирма) иш куни ичида сотувчи билан транспорт воситаси олди-сотди шартномаси тузади. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 18:00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоси Андижон шаҳри, А. Навоий шоҳ кўчаси, 30-уйда ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖ Андижон вилояти филиалининг «Асакабанк» ОАЖ Андижон вилояти филиалидаги МФО: 00069, СТИР: 302083379, 20208000204932168006 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Қўшимча маълумотлар учун манзил: Андижон шаҳри, А. Навоий шоҳ кўчаси, 30-уй (Давлат мулк қўмитаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси биноси, 106-хона). Тел: (+99891) 124-57-64.

Гувоҳнома № 004059

ЛУҚМА

МУАЛЛАҚ МАНЗИЛЛАР

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ, СОҲА МУТАСАДДИЛАРИ ЭЪТИБОРИГА!

Одатда сафар чоғида танишиб, иноқлашиб қолган ҳамроҳлар манзилларига етгач, бир-бирларини меҳмонга чорлаб, яшаш манзилларини ёзиб беришади. Иттифоқо, бир парча қоғозда «Фалон совхознинг пистончи бригадаси» деган ёзувлар пайдо бўлса-чи? Табиийки, таажжубланиб: «Совхозлар, бригадалар аллақачонлар тугатилиб, улар ўрнини давр руҳига мос янгича тузилмалар эгаллаганига анча бўлган-ку!» дейсиз.

Балки, бу масалада оддий одамлардан гина қилиш керакмасдир. Бироқ эскича атамалардан расмий ҳужжатларда ҳамон фойдаланиб келинаётгани чиндан ҳам ажабланарли. Кўпгина почта жўнатмалари юзига тугаб кетган «совхозлар», «жамоа хўжаликлари», деган номлар ҳамон битилаётир.

Бу масалада почта мутасаддилари қаёққа қарашяпти? Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, жойлардаги ҳокимликлар, тегишли идора ва ташкилотлар раҳбарлари нега жим, дейишингиз мумкин.

Қишлоқ жойларидаги ўзини ўзи бошқариш органлари таркибида маҳалла фуқаролар йиғинлари таъсис қилинган. Ҳар бир маҳалла жой номидан келиб чиқиб номланади. Буни бизнинг Хоразм вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳозирги кунда воҳа бўйича жами 652 та маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи мавжуд. Унинг 600 га яқинини қишлоқлардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ташкил этади. Истибдод тузумининг турқи-афтини эслатиб турувчи ғализ номлар ўрнига янгиларини таклиф этиш, уни жорий қилиш, турмушимизга кириб келган замонабоп атамаларнинг тарғибот-ташвиқотини уюштириш аслида ана ўша ташкилотлар зиммасидаги иш эмасми?

Яқинда вилоятнинг Хонқа туманига оид бир ҳужжатни кўздан кечирдик. Унда «Янги ҳаёт» қишлоғининг «Илғор» маҳалласи» деган жумлага дуч келиб, кўнглимиз қанчалик яйраган бўлса, аллақачон тарих қатига улоқтирилган «Охунбобоев ширкат хўжалиги» деган номга кўзимиз тушганида дилимиз шу

қадар хуфтон бўлди. Кўнгилга ўтирмайдиган бошқа бир номга вилоят марказидан Хонқа туманидаги Амударё қишлоғига қатнайдиган автобусларнинг бирида дуч келдик. Қарангки, автобус пешонасига «Урганч-Ханқа-Совхоз» ёзувини илиб қўйишибди. Мазкур ёзувни пеш қилган фақат шу автоуловнинг ўзи эмас экан. Бундай ном мазкур йўналиш бўйлаб қатновчи бошқа автоуловларнинг пешонасида ҳам мавжуд.

Бу ҳақда мулоҳаза юритарканмиз, вилоят, туман раҳбарларининг ёки шу масалалар учун масъул одамларнинг эътибори шу пайтгача нега ана шу нуқсонларга тушмаётганидан ажабланасан киши. Бу каби ножоизликларни бартараф этишда ҳеч бўлмаганда ҳамкасбларимиз — оммавий ахборот воситалари ходимлари ташаббус кўрсатишса, дуруст бўларди, деган фикр беихтиёр хаёлдан ўтади. Афсуски, ташаббус ва тарғибот бу ерда ҳам танқис. Аксинча, жой-манзил номларини ўтмишда қолган «колхоз», «совхоз», «ширкат хўжалиги», «жамоа хўжалиги» каби иборалар билан аташ ҳолларига воҳанинг асосий оммавий минбарларидан саналмиш вилоят телевидениеси орқали омма ҳукмига ҳавола этилаётган реклама ва эълонлар, ҳатто айрим қаламкашларнинг ижод намуналари, айрим кўрсатув ва эшиттиришларда ҳам дуч келасиз.

Санайверсак, бундай камчиликлар ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида топилади. Бироқ масала жиддий. Унга нафақат мутасаддилар, балки жамоатчилик ҳам эътибор қаратиши лозим. Ахир янгича ибратли номларни тили, дили, онгу шуурига жо этган кишилар қалбида эскича номлар, битикларга жой қолмайди, истиқлолимиз ва истиқболимизга нисбатан эътиқод, садоқат чин ватанпарварлик ва инсонийлик туйғулари ҳам шу аснода қанот ёзмайдими?

Абдулла СОБИРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

ҚАРОР ИЖРОСИ АМАЛДА

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йил ўтказилган назорат тартибидаги текширишлар натижасида ҳуқуқбузарлардан 489 миллион сўмлик мол-мулк олиб қўйилди. Текширув ҳужжатлари қонуний чора кўриш учун ўз вақтида ваколатли органларга юборилди. Шунингдек, 50 миллион сўмлик мол-мулк савдо дўконлари орқали сотилиб, олинган маблағлар давлат бюджетига тушириди.

Қарор ижросини таъминлашда, айниқса, тумандаги ваколатли органлар, маҳаллалар билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар яхши самара бермоқда. Хусусан, маълум бир ҳудудларга бириктирилган солиқ нозирлари мутасадди ташкилотлар вакиллари билан биргаликда бозорлар, маҳаллаларда тушунтириш-тарғибот тадбирларини мунтазам ўтказиб келишяпти.

Тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган саволлар бўйича солиқ инспекциясига келиб мурожаат қилишлари учун барча имкониятлар яратилган. Ҳар ойнинг иккинчи ҳафтасида жума куни "Очиқ эшиклар куни" деб белгиланган. Мунтазам олиб борилаётган тадбирлар натижасида қонун бузилиш ҳолатлари камайишига эришилмоқда.

М.ГИНИЯТУЛЛИН,
Яккасарой тумани ДСИ бошлиғи ўринбосари

ЗАМОН ЎЗГАРИШЛАРИ

МИЛЛИЙ АХБОРОТ СЕГМЕНТИ

Бугунги кунда ахборот ҳар доимгидан ҳам тезкор тус олмоқда. У уммон тўлқини сингари кенг кўламли, кучли ва баланд оқимларни вужудга келтирмоқда. Айниқса интернет воситасида ахборот тарқатиш биринчи даражали мавзуга айланиб, соҳа мутахассислари унга энг муҳим масала сифатида қарамоқдалар.

Шундай экан, мавжуд замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг ва янада фаолроқ фойдаланиб, халқаро медиа майдондаги миллий матбуотимиз сегментини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалага жиддий ёндашиш давр талабидир.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 1292 та оммавий ахборот воситаси мавжуд. Босма нашрлар, теле ва радиоканаллар билан бир қаторда, ОАВ сифатида рўйхатдан ўтган 190 та веб-сайт ҳам фаолият юритмоқда. Улар томонидан республикамиз қўлга киритаётган оламшумул ютуқлар тўғрисида бутун жаҳон аҳлига тезкор ахборотлар тарқатишга ҳаракат қилинмоқда. Бу жараёнда оммавий ахборот воситаларимиз замонавий технологиялар, хусусан, интернет ва сунъий йўлдош имкониятларини ишга солмоқдалар.

Эътироф этиш керак, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг ислоҳотлар ҳақидаги хабарларнинг дунё медиа маконидаги салмоғини оширишда хорижлик мухбирларнинг ҳам ўрни бор. Халқаро ОАВ вакиллари яхши анъанага айланаётган “мега инфотур” дастурлари орқали Ўзбекистонга ташриф буюриб, Тошкент ва бошқа шаҳарларда бўлиб ўтаётган йирик анжуманлар, саноат кўргазмалари ҳамда маданий-маърифий тадбирларни ёритишда фаол иштирок этмоқдалар. Шунингдек, ташқи ишлар вазирлигида узоқ муддатли аккредитациядан ўтган хорижлик мухбирлар ҳам республикамизда самарали фаолият юритишяпти.

Интернет имкониятларидан унумли фойдаланиш борасида мамлакатимиздаги етакчи ахборот агентликлари, хусусан, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА ва “Жаҳон” ахборот агентлигининг фаолияти ҳам алоҳида эътиборга моликдир.

Сўнгги йилларда, таъбир жоиз бўлса, ушбу “хабар ишлаб чиқарувчи асосий корхоналаримиз” томонидан соҳани ривожлантириш бўйича амалий ишлар йўлга қўйилди. Масалан, янгиликлар, хабарлар, репортажлар, мақолалар ва фотолавҳа каби қатор анъанавий жанрлар бугунги кун талаблари даражасида мукаммаллашиб борди. Энг муҳим томони шундаки, уларни дунё мамлакатларига бевосита узатиш жараёнида янгича технологик кўникмаларга ўрин берилиб, муайян натижаларга эришилди. Лекин жаҳон бўйлаб кенг тарқатилаётган ана шу хабар, мақола ва материаллар тили ҳамда услуби жиҳатидан халқаро стандартларга мос келадими? Хорижлик оддий ўқувчилар ва мутахассислар бу масалада қандай фикрда?

Шу маънода мазкур агентликларимизнинг интернетдаги расмий веб-саҳифаларини олиб қарайдиган бўлсак, мавжуд ютуқ ва камчиликларни қисман бўлса-да, қиёсий шаклда таҳлил қилиб ўтиш мумкин.

Албатта, ЎзА сайти етакчи хорижий тиллар сонининг кўплиги билан анча ажралиб туради. Бу ерда ҳозирги пайтда республикамиз ҳаётига доир долзаб ахборотлар ўзбек, рус, инглиз, француз, немис, испан, араб ва хитой тилларида бутун жаҳонга тарқатилмоқда. Бундан ташқари, ЎзАнинг янада муҳим ютуғи сифатида сайтнинг оммабоп ижтимоий тармоқлардан бири “Twitter”га бевосита уланганлиги унинг ўқувчилар доирасига чуқурроқ кириб бориш имкониятини яратган, дейиш мумкин. Шунингдек, мана бир неча йилдирки, мазкур веб-саҳифанинг мобиль версияси ҳам фаолият олиб бормоқда. Бу ўринда агентлик уяли алоқа телефонларига хабар узатувчи Ўзбекистондаги саноқли оммавий ахборот воситаларидан бири эканлигига алоҳида эътибор қаратиш керак.

“Жаҳон” ахборот агентлигининг сайти ўзбек, рус, инглиз ва араб тилларида фаолият юритмоқда. Улар орасида араб тили бўлими деярли янгиланмайди.

Ҳар иккала сайтда айрим қўшимча ишларни, жумладан, замондошлар талаби ва дидига мос бўлган янгиланишларни амалга ошириш керак. Мисол учун, он-лайн ёки офф-лайн тарзда видео ҳамда аудио-лавҳаларни жойлаштириб бориш мумкин. Бу, албатта, доимий мухлислар сонининг янада ошишига хизмат қилади. Қолаверса, агентликлар журналистларни қизиқтирган бирон-бир долзарб мавзуда интернет орқали ёки бевосита матбуот анжуманларини ташкил этишлари ҳам мақсадга мувофиқдир.

Тан олиш керак, uza.uz саҳифасининг дизайни замонавий талабларга деярли жавоб бера олади. Муҳими, фойдаланишга анча қулай. Уни такомиллаштириш бўйича ишлар мунтазам бажарилаётганлигини кузатиш мумкин.

> **Жаҳон миқёсида воқеалар шиддат билан кечаётган бир пайтда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, интернетнинг беқиёс имкониятларидан кенг фойдаланишга тайёр бўлиш матбуот, ахборот ва медиа тармоқлари, жумладан, телевидение ва радио соҳасида хизмат қилишга ўзини бағишлаган, етук мутахассис бўлишга аҳд қилган ва бу соҳада ўз келажагини кўрмоқчи бўлган оммавий ахборот воситалари ходимларининг фаолият мезонига айланиши зарурлигини барчамиз яхши англаймиз.**
>
> **Ислом КАРИМОВ**

Янгиланишлар ва ўзгаришларни, афсуски, jahonnews.uz саҳифасида ҳар доим ҳам кузатиб бўлмайди. Масалан, сайт дизайнининг сўнгги маротаба қачон қайта ишланганлигини эслай олмадик.

Бу ерда хабарлар оқими нисбатан кам. Мақола ва материаллар орасида ёркин муаллифлик ишлари умуман кузатилмайди. Хориждаги тадбирлар ҳақидаги “навбатчи” мақолалар такрорий сўз ва иборалар билан





берилиши одатга айланган. Шунингдек, аксарият хабарларда оперативлик етишмайди. Ваҳоланки, бундай ҳолат ўқувчини бездириб қўяди.

Ҳаммага маълум: ахборотнинг оддий учта тамали бор: ҳар қандай хабар ким (ёки нима), качон ва қаерда саволларига жавоб бериши керак. Агентликларимиз тарқатаётган хабарларда эса ҳар доим ҳам бу талабларга амал қилинмаяпти. Шу сабабли бўлса керак, мазкур сайтларга ташриф буюрувчиларнинг сони унчалик кўп эмас.

Қуйидаги ҳисоботга бир эътибор беринг: www.uz миллий қидирув тизимидан олинган маълумотга кўра, uza.uz сайтини кунига ўртача ҳисобда 1200-1500 киши кириб кўрар экан, холос. jahonnews.uz саҳифасининг кундалик мухлислари сони эса ундан ҳам камроқ — 230-250 кишидан ошмайди.

Афсуски, яна бир агентлигимиз — “Туркистон-пресс” нодавлат ахборот агентлигининг веб-саҳифасини ушбу мақолани тайёрлаш пайтида кириб кўриш имконияти бўлмади. Телефон орқали суриштирилганида сайт техник сабабларга кўра ишламаётганлиги маълум қилинди. Назаримизда, бу камчиликни зудлик билан тузатиш керак.

Хўш, мавжуд ахборот агентликлари сайтларининг бугунги аҳволи ҳақида мамлакатимиздаги ва хориждаги оддий ўқувчилар ҳамда мутахассисларнинг фикри қандай?

Япония — Ўзбекистон дўстлик жамияти аъзоси Казуко Окуининг таъкидлашича, у мазкур сайтларда бериладиган хабар ва янгиликларни мунтазам равишда кузатиб боради.

— Дарҳақиқат, — дейди у, — бу ерда эълон қилинадиган мақолаларнинг баъзилари, назаримда, ортиқча сиёсийлаштирилган. Гоҳида шахсий билим ва тажриба етишмаслиги сабабли уларни бир ўқишда тушуниб олиш қийин кечади. Лекин, эътироф этиш керак, хорижлик ўқувчилар учун ушбу веб-саҳифалардаги журналистик материалларнинг айримлари қизиқарлидир.

Япониялик муштарийнинг қайд этишича, ўзбекистонлик мухбирларнинг ижодий фаолияти ўзига хосдир. Уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, куюнчаклиги ва ўз Она Ватанни тақдирига бефарқ эмаслиги қувонарли ҳол, албатта.

info@12.uz сайтининг бош муҳаррири Дониёр Мансуровнинг фикрича, Интернетда газеталар, журналлар ва адабиётларнинг электрон дўконлари фаолиятини шакллантириш керак. Шунингдек, миллий доменда вақтли матбуотдан ташқари, ўзбек адабиёти ютуқларини, шоир ва ёзувчиларнинг янги асарларини янада тўлароқ эълон қилиб бориш лозим.

— Бу борада республикадаги айрим нашриётларда дастлабки лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйининг интернет саҳифасида ушбу йўналишда янги ишлар йўлга қўйилиши режалаштирилган, — дейди Д.Мансуров.

Туркиялик журналист Аҳмад Гулнинг қайд этишича, ҳозирги пайтда чет элларда ўзбек матбуотининг етакчи хорижий тиллардаги, жумладан, инглизча нусхаларига эҳтиёж жуда катта.

— Ўзбекистондаги ОАВ сайтларида қатор хорижий тилларда ахборотлар берилаётган бўлса-да, афсуски, улар ҳар доим ҳам четдаги ўқувчининг талабига, қолаверса, дидига мос келавермайди, — дейди у.

Даниялик инглиз тили мутахассиси Фелисити Тимкинининг таъкидлашича, у uza.uz ва jahonnews.uz сайтлари билан яқиндан таниш. Бу веб-саҳифалар орқали Ўзбекистоннинг бугунги ҳаёти ҳақида жуда кўп маълумотларни олиш мумкин. Бироқ...

— uza.uz саҳифасини олиб қарайдиган бўлсак, — дейди Ф.Тимки, — у шахсан мен учун анча оғир. Фикримча, авваламбор сайтни навигация қилишнинг ўзи қийин. Чунки айрим бўлимлар, хусусан, инглиз тилидаги “компьютерлаштириш” бўлимига ахборот умуман қўйилмаган, бўм-бўш. Аммо мен ўқийдиган инглиз тилидаги хабарлар ва мақолалар баъзи ҳолларда услубий таҳрирга муҳтождек кўринади. Жумладан, ортиқча сўзлар жуда кўп. Улар услубий жиҳатдан кучсиз. Эскича ва кераксиз ибораларга кенг ўрин берилган. Яъни бу ўринда инглизча “wordy” ёки “stoic” сўзларининг луғавий маъносини ҳурматли муҳаррирлар яхши англашади, деб ўйлайман”. “Шу туфайли бу борадаги муҳаррирлар ишини янада жонлантиришни тавсия қилган бўлардим.

— jahonnews.uz веб-саҳифаси тил борасида ҳамкор сайтдан бироз орқада, — дея фикрини давом эттиради Ф.Тимки. — “Бу билан ундаги инглиз тилини асло ёмон демоқчимасман. Балки бу ердаги хабарлар ҳам uza.uz каби “эскича” услубий шаклда берилаётганини таъкидламоқчиман, холос”. “Ҳар ҳолда, улар мен билган 10-15 йил олдинги даврга қараганда анча илгарилаб кетишган. Шундай эса-да, санаб ўтилган жузъий камчиликлар, яъни инглизча матнларнинг кучсизлиги уларнинг бевосита оригиналдан эмас, балки рус тили орқали таржима қилинганлиги билан боғлиқ бўлса керак.

Экспертлар фикрига таянган ҳолда шуни хулоса қилиш мумкинки, ахборот тарқатиш жараёнида интернетнинг мислсиз имкониятларидан фойдаланиш борасида ҳали-ҳамон сусткашликка йўл қўймоқдамиз.

Юқорида санаб ўтилган етакчи ахборот агентликларидан ташқари, даврий матбуот нашрлари, хусусан, газета ва журналлар замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланишга шошилмаяптилар. Бу мавзуда олдинги мақолада атрофлича фикр юритилган эди (**“Интернет газеталар кўпаяди...ми?”** “Ҳуррият”, 11 июль, 2012 йил).

Бугун замон шиддат билан ўзгармоқда. Шу боис, матбуот соҳасида навбат кутиб турган, бошқача айтганда, эшигимизни анчадан буён тақиллатиб турган янгиланишларнинг ўз “уйимиз”га кечикиб кириб келишларига асло йўл қўя олмаймиз.

Оммавий ахборот воситалари мутлақо янгича кўриниш касб этмоқда. Биринчидан, интернетнинг босма матбуотга нисбатан арзонлиги ва иккинчидан, унинг кескин тарзда оммавийлашиб кетиши соҳадаги анъанавий тушунчаларни гўёки “синдириб” ташлади.

Дарвоқе, дунёдаги энг йирик журналлардан бири, салкам 80 ёшга кирган “Ньюзуик” яқинда биз яшаётган дорилфанодан кибермаконга кетадиган бўлди. Маълумки, ўтган даврда шу каби газета ва журналлар юз-икки юз минглаб, баъзан эса миллионлаб тиражда босилганлигига тарих гувоҳ бўлди. Улар фақат биргина мамлакат ёки минтақа ҳудудида эмас, балки дунёнинг турли бурчакларида қўлма-қўл мутолаа қилинди.

Эсимда, 90-йилларнинг охирида “Ньюзуик”нинг Лондондаги таҳририяти биносида ўтказилган ижодий учрашув чоғида бу гигант компаниянинг нуфузи ва техник имкониятини қисман кўздан кечиргандим. Лекин бугунги кунга келиб (яхши маънодаги) “аждарҳо” нашрнинг ёпилиши кўпчилик соҳа экспертларини ўйлантириб қўйди.

Хуллас, “Ньюзуик” журналининг анъанавий босма шакли охирги марта 2012 йилнинг 31 декабрида нашр этилади, шу билан тамом. Кейинчалик у фақат электрон шаклда чиқарилади. Ушбу оламшумул воқеа, экспертларнинг фикрига кўра, барча даврий нашрлар ҳаётидаги янги “электрон” эрани бошлаб беради.

Тўғри, бу табиий ҳолат. Чунки газета ва журналларни икки кўча наридаги киоскадан сотиб олмасдан, ёки почтачи хизматини кутиб ўтирмасдан, қўл остидаги интернет воситасида бевосита ўқиш афзаллигини кўпчилигимиз тушуниб етдик. Эндиликда таҳририятлар янги кўникмага ўрганишлари, ўз нашрларининг электрон версияларини жаҳон андозаларига мос равишда такомиллаштириб боришлари керак бўлади. Чунки, замон ўзгаришлари шуни талаб қилмоқда.

Дарвоқе, бугунги кунда Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчиларнинг сони қарийб 10 миллионга яқинлашди, ер курраси веб-аудиториясининг миқдори эса 2 миллиард, яъни умумий аҳолининг 30 фоизидан ошиб кетди.

Қайд этилган агентликлар қаторида республикамиздаги қатор газеталарнинг сайтлари ҳам интернетда тобора фаоллашиб бормоқда. Улар орасида *http://ut.uz/*, *www.narodnoeslovo.uz*, *www.uzbekistonovozi.uz*, *www.uzhurriyat.uz*, *www.jamiyatgzt.uz*, *www.marifat.uz*, *www.mohiyat.uz* каби тармоқлар бор. Аммо уларнинг ҳаммаси ўз вақтида янгиланиб бормоқда дейиш қийин.

Булардан ташқари, вилоятларда чоп этилаётган ҳудудий газеталар ҳам интернет орқали ўз ўқувчилари сони ва географиясини бирмунча кенгайтиришга эришмоқдалар. Айниқса, “Зарафшон”, “Андижоннома” сингари нашрлар сайтлари эътиборга моликдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистонда нафақат ахборот агентликлари, телерадиоканаллар, балки босма матбуот ва умуман барча оммавий ахборот воситаларининг интернетдаги фаолиятини янада такомиллаштириш вақти келди. Ушбу жараённи янада тезлаштириш кечиктириб бўлмайдиган вазифамиздир.

Беруний АЛИМОВ,
журналист

ҲАМКАСБ

Ўтган аср 80-йилларининг боши эди. Хонамизга салкам 6 килолик репортёрни кўтариб бир киши кириб келди. Ўтирганлар билан саломлашди, раҳматли Исроил ака Исмоилов билан ҳазил-ҳузул қилди. Ниҳоятда самимий, ёш йигитчалардек қувноқ бу киши ҳамхоналаримга ўта яқин одамдек туюлди менга. Озғинлигини билдирмайдиган костюми-ю, галстуги бир-бирига жуда мос танланганини кўриб, дидига қойил қолдим.

ОҚИБАТЛИ ОДАМ



Шунга ҳам 30 йилдан ошибди. Ўша акамиз бугун 70 ёшни қоралаб қолибди. Лекин кўринишига қарасангиз, самимий суҳбатларида бўлсангиз бунга асло ишонмайсиз.

Одамлар ҳозиргидек телевизор қаршисида соатлаб ўтирмасдилар. Ўзбекистон радиоси “Ёшлик” студиясининг бир-биридан сермаъно эшиттиришларини кичик радиокарнайлар олдидан жилмай тинглашарди. Айниқса, “Инсон одоби билан” деб номланган туркум эшиттиришлар кўпчиликнинг ҳамон ёдида қолган. Чунки бу эшиттиришларнинг муаллифи ўз касбини дилдан севган радиожурналист Камолиддин Мирзааҳмедов эди-да.

Камолиддин аканинг бир ишига доим қойил қолганман. У таҳририятга келган ҳар бир янги ходимнинг эшиттиришини эринмай тинглар, яхши бўлса “азизим, яшанг!” деб мақтар, камчилигини кўрсатишдан ҳам чарчамас эди. Аслида, ҳақиқий устоз шундай бўлиши кераклигини энди-энди тушуниб етаётгандекман. Ўзимга ўзим “Камолиддин ака одамларга бунча меҳрибон?” — деган саволни ҳам берганман ўша кезлари. Бу саволимга яқинда аниқ жавоб топгандек бўлдим. Ахир, Ўлмас Умарбековдек машҳур ёзувчи, Маъруф Қориев, Бурҳон Зиёевдек забардаст журналистларнинг этагини тутган шогирд меҳрибон бўлмай, қаҳри қаттиқ бўлармиди?

Камолиддин ака таниқли олим Озод Шарофиддиновнинг тавсияси билан радиога ишга келган экан. У ўзининг “Устозлар ёди” мақоласида “Озод аканинг “одамни одам қиладиган қудрат, виждон, инсоф-диёнатнинг барқарорлигида” деган сўзлари ҳаётимнинг шиорига айланди”, — деб ёзади. Айнан шу шиорга амал қилиб яшаётганини унинг кейинги йилларда матбуотда чоп этилган мақолалари ҳам исботлаб турибди. “Катта кетманг, катта ака!”, “Уй кимники ўзи?”, “Йўловчининг айби нимада?” мақолаларида бизнинг жуссаси кичик “акамиз” катта одамга айланиб қолади. Сатрларида ҳақиқий журналистнинг жасоратини кўрасиз.

Машҳур боғбон Ризамат ота Мусамуҳаммедов ҳақида жуда кўп ёзилган. Лекин Камолиддин ака бутунлай бошқача ёзган. Унинг йирик соҳибкор ҳақидаги мақоласида келтирилган бир гапни ён дафтарчамга қайд этиб қўйганман: “Умрим бўйи олтин эмас, олқиш олиш пайида бўлдим”. 98 йил умр кўрган машҳур боғбоннинг бу сўзларини ҳозирда дуо ўрнига мол-дунё, олтин тўплаш дардига йўлиққанлар ўқиб, ҳушёр тортсалар қандай яхши бўларди. Афсус, ундайлар ўқимайди-да!

...Эрталаб ишга келганимда телефон қўнғироғи жиринглаб қолади. Гўшакни кўтарсам, албатта, Камолиддин ака сим қоқаётган бўлади.

— Безовта қилмадимми?

Ҳаммани бирма-бир сўраб чиқади. Тўлқин акани сўнгги бор кўрганини... Исроил акани ҳам эсдан чиқармайди. Хотиралар янгиланади.

— Барно ака Ражабовнинг сал тоби йўқ деб эшитдим. Ўтдиларингми?

Нима дейишимни билмай каловланаман.

— Вақт бўлса, бир ўтиб қўйинглар, укажонларим...

Хайрлашиб, телефон гўшагини жойига қўярканман, ўйланиб қоламан: «Камолиддин ака ким ўзи?» Ич-ичимдан бир нидо келади: «Оқибатли, ўта меҳрибон инсон! Ўзини эмас, кўпроқ ён-атрофидагиларни ўйлайдиган одам». Ҳаётда шундай одамлар қанча кўп бўлса, у янада гўзал бўлар эди!

Анвар АБДУВАЛИЕВ,
журналист

АҚЛИЙ САЛОҲИЯТ умрни узайтиради

Маълумотларга қараганда, одамнинг ўртача умри 70 ёшни ташкил этади. Қизиғи шундаки, инсон шу вақт мобайнида ўз мияси имкониятларининг атиги 3-4 фоизидангина фойдаланар экан, холос. Агар одам ўз мияси салоҳиятидан юз фоиз фойдаланса, жаҳон тараққиёти қай даражага етиб боришини бир тасаввур қилиб кўринг-а.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, мия ҳужайралари одам боласининг 2-7 ёшларигача жадаллик билан ривожланади. Дарҳақиқат, кузатган бўлсангиз, бу пайтда болалар катталарга тақлид қилишни бошлайдилар. Шунингдек, уларнинг онгида бир қатор шартли кўникмалар ҳам пайдо бўлади. Масалан, гўдаклигида ёниб турган олов ёнига қўрқмасдан борган болакай улғайгач унга яқинлашмасликка ҳаракат қилади. Одатда кичкина болани ухлатишда “жим ётмасанг, ундай бўлади, бундай бўлади” деб қўрқитишади. Демак, болада нимадандир қўрқиш ҳиссининг пайдо бўлиши ҳам шу даврга тўғри келади. Умуман олганда, инсон боласи 7 ёшгача ўзини ўраб турган моддий олам ҳақидаги дастлабки тасаввурларга эга бўлиб улгуради. Шунинг учун халқимиз фарзанд тарбиясига ҳар доим алоҳида эътибор қаратиб келган. Турли эртаклар ва ривоятлар орқали бола қалбига меҳр, эзгулик, сахийлик каби инсоний фазилатлар уруғи қадалади, ёшликдан яхшиликка ошно қилинади.

Шу ўринда миянинг озуқаси ҳақида ҳам икки оғиз сўз. Бутун танамизни идора қилувчи бу аъзо кислород, глюкоза ва..., ахборот билан тирик. Тиббиёт мутахассислари киши ҳаёти давомида қанча кўп ўйласа ва ўқиса, кексайганда ҳам жисмонан соғлом бўлишини таъкидлашмоқда. Демак, ақлий салоҳият умрни узайтирувчи омиллардан бири экан.

Зиёда УМАРОВА,
Наманган тиббиёт коллежи талабаси

ДАРАКЛАР

ТЎФОН АСОРАТЛАРИ

"France-Press" ахборот агентлиги тарқатган маълумотларга қараганда, 4 декабрь куни Филиппиннинг жанубий ҳудудида кузатилган "Бофа" номли тўфон оқибатида юзага келган тошқин мингдан зиёд кишининг ҳаётига зомин бўлган.



Аввалги хабарларда ҳалок бўлганлар сони 650 нафарга етгани ҳақида айтиб ўтилганди. Айни дамда қурбонларнинг тахминий рўйхати 1020 кишини ташкил этмоқда. Уларнинг асосий қисми Миндандао аҳолиси ҳисобланади. Бедарак йўқолганлар сони 844 нафар, шундан ярми тўфон бошланмасидан бироз олдин денгизга чиқиб кетган балиқчилардир.

Қутқарув гуруҳлари ҳалигача вайроналар остидан жасадларни топиш билан овора. Шу боис, ҳукумат рахбарлари ҳалок бўлганлар рўйхати янада ортишидан хавотирда.

Табиий офат натижасида уй-жойидан айрилиб қолган 27 минг аҳоли вақтинчалик бошпана излашга мажбур бўлмоқда. Тўфон, шунингдек, мамлакатнинг коммуникация инфратузилмасига, қишлоқ хўжалик экинларига ва тоғ-кон саноатига катта зарар етказди.

Маълум бўлишича, ҳар йили Филиппинда 20 га яқин ана шундай кучли тўфон содир бўлади.

ЭНГ УЗУН МАГИСТРАЛ

Хитойда тезюрар поезд учун дунёдаги энг узун йўл қуриб битказилди. Бу ҳақда "China Daily" нашри хабар тарқатди. Мамлакат расмий идоралари тарқатган маълумотларда айтилишича, Пекин ва Гуанчжоу шаҳарларини бирлаштирувчи темирйўл магистрали 26 декабрь куни фойдаланишга топширилади.



"Қувонарлиси, — деб ёзади газета, — илгари 22 соатда босиб ўтиладиган Пекин-Гуанчжоу йўналишидаги 2200 километрлик масофа энди 8 соатгача қисқариши кутилмоқда."

Маълум бўлишича, Хитойда шу йилнинг ноябрь ойида темирйўл хизматларига бўлган эҳтиёж 4,6 фоизга ўсган. Ҳукумат раҳбарлари 2020 йилга қадар тезюрар поездлар учун яна 16 минг километрлик темирйўлни қуриб битказиш ва тезюрар поездлар тезлигини соатига 500 километрга оширишни режалаштиришмоқда.

ВИЧнинг АКС ТАЪСИРИ

АҚШлик шифокорлар ўткир лейкоз касаллигига чалинган 7 ёшли қизнинг бутунлай тузалиб кетгани ҳақида маълум қилишди.

Бундан икки йил олдин ўткир оққон касаллигига чалинган Эмили Байтхеднинг аҳволи кундан-кунга ёмонлашиб борарди. Ҳатто кимётерапия муолажалари ҳам ҳеч қандай натижа бермасди. Хуллас, қизалоқ ҳаётини сақлаб қолишнинг деярли иложи қолмаганди. Ана шунда инсон учун хавфли бўлган иммунодефицит вируси нажот вазифасини ўтади. Эмили Пенсильвания университети қошидаги шифохонанинг тажрибавий лойиҳасида иштирок этди.

Тажрибалар чоғида бемор қонидаги маълум бир лимфоцитлар ажратиб олиниб, лаборатория шароитида уларга кучсизлантирилган иммунодефицит вируси қўшилди. Натижада лимфоцитлар хавфли ўсимталарни емирувчи шифобахш воситага айланди.

Шифохона онкологи Стивен Группнинг таъкидлашича, ВИЧ ёрдамида инсон ҳаётини сақлаб қолиниши биринчи марта кузатилаётгани йўқ. Бундан олдин саккиз нафар катта ёшдаги беморлар ҳам ана шу йўл билан шифо топишган. Аммо Эмилига бошқа беморларга нисбатан анча вақимали ташхис қўйилган бўлсада, бошқалардан фарқли ўлароқ, тезда оёққа турди. Ҳозир у соғ-саломат.

Интернет хабарлари асосида Отабек ОТАЁРОВ тайёрлади.

Шарҳ

МАЪНАВИЙ ҒАРИБЛИК ёхуд аср фожиаси

XX асрнинг сўнгги саммити ҳисобланган БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йилги сессиясида янги мингйилликнинг декларацияси қабул қилиниб, унда инсоният олдида турган 8 та энг асосий муаммони ҳал этиш вазифаси белгилаб олинган эди. Дунёда қашшоқлик ва очарчиликни бартараф этиш, фуқароларнинг бошланғич таълим олишларини таъминлаш, эркак ва аёллар тенглигига эришиш, болалар ўлимини камайтириш, оналар саломатлигини яхшилаш, орттирилган иммун тақчиллиги вируси, безгак сингари оғир касалликларга қарши кураш, экологик барқарорликни таъминлаш, тараққиётга эришиш мақсадида глобал ҳамкорликни кучайтириш дунёнинг 185 мамлакати раҳбарлари томонидан имзоланган ҳужжатда ўз аксини топганди.



Таассуфлар бўлсинки, ўтган йиллар мобайнида дунёнинг қатор давлатлари ана шундай муаммоли масалаларни ҳал этиш имконига эга бўлмадилар. Балки, бу муаммолар вақти келиб ҳал бўлар. Аммо дунёда давлатларни ичидан емиришга олиб келувчи маънавий хуружлар ва маънавиятсизлик муаммолари ҳам борки, бу кўпроқ ғарб дунёсида кузатилаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Бугун нафақат америкаликлар, балки бутун инсоният ўтган ҳафта, аниқроғи, 14 декабрь кунги Коннектикут штатининг Нютаун шаҳридаги бошланғич мактабда юз берган оммавий қотилликдан даҳшатда. Қуролланган йигит синфма-синф юриб, 27 кишини ўлдирган. 20 нафари 6-7 ёшдаги болалар, қолгани муаллимлар, улар орасида мактаб директори ҳам бор.

Қотил 20 ёшли Адам Ланза экани аниқланди. У шунча одамни ўлдиргач, ўз жонига ҳам қасд қилган. Ланзанинг жасади мактаб коридоридан топилган, ёнида битта автомат ва иккита тўппонча бўлган. Йигитнинг онаси шу мактабда ишлаган. Терговчиларнинг айтишича, Адам аввал онасини ўлдирган, кейин унинг машинасида мактабга йўл олган. Унинг акаси Раян Ларза сўроқ қилинмоқда, жиноят сабаби аниқланиши керак.

— Ҳалок бўлган болаларнинг ота-оналари андуҳини ер юзидаги жамики инсон тушунади, — деди президент Барак Обама. — Америка бундай жиноятлардан тўйди. Жамият бундай талафотларнинг олдини олиш учун жиддий чоралар кўриши лозим. Муаммога жавобни ўзимиздан қидирайлик.

АҚШда қуролга эгалик қилиш ҳуқуқи конституция билан кафолатланган, аммо кўплаб штатларда бу ҳуқуқ чекланади. Чунки фуқароларнинг эмин-эркин қурол кўтариб юриши — жамият учун катта хавф. Коннектикут шундай штатлардан бири. Кечаги хуруж қурол тўғрисидаги баҳс-мунозараларни янада аланга олдириб юборди.

Ҳар йили АҚШда 30 мингдан зиёд одам қуролли ҳужум қурбони бўлади, яна 200 минг киши тан жароҳати олади. Нью-Йорк шаҳар мэри Майкл Блумберг биринчилардан бўлиб ҳукуматнинг қурол савдосини чеклаши кераклиги борасидаги таклиф билан чиқди.

15 декабрь куни Коннектикут штати расмийлари мудҳиш жиноят оқибатида ҳалок бўлганларнинг исмлари ва ёшини эълон қилди. Қурбон бўлганлардан 12 нафари қиз ва 8 нафари ўғил болалардир. 6 нафари эса мактаб ўқитувчилари эди. Болалар 6-7 ёшда бўлган. АҚШ президенти Барак Обама мамлакатда тўрт кунлик мотам эълон қилди.

Хоҳлаймизми-йўқми, жамиятдаги барқарорликни, мувозанатни ахлоқий меъёрлар, маънавий қадриятлар таъминлаб туради. Кузатувчилар фикрича, агар дунё ҳукуматлари бугун ўз тарбия мактабини қайта кўриб чиқмас экан, зўравонликлар, ваҳший қотилликларга ҳали жуда кўп марта дуч келиш мумкин. Бугун қурол-яроғ сақлашга рухсат берилган АҚШ ва Европа мамлакатларидаги мактаб, коллеж ва олий ўқув юртларида қотилликларнинг тез-тез рўй бериб тургани бунга мисол бўла олади. Мазкур синдромнинг ягона давоси, шубҳасиз, маънавий тарбиядир.

Таъкидлаш жоиз: мана шундай иллатларнинг кўпайишига сабаб бўлаётган омиллар хусусида олимлар ва таҳлилчиларнинг ўз қарашлари, фикр-мулоҳазалари бор. Биринчидан, барча халқлар учун қадрли бўлган инсонийлик ақидаларига мос келмайдиган турли бузғунчилик, ваҳшийлик, зўравонликлар тасвирга туширилган кинофильмлар, ОАВ ва интернет орқали тарғиб этилаётган беҳаё саҳналар жиноятчиликни хаспўслашга хизмат қилаяпти, холос. АҚШда ҳам мана шундай руҳдаги фильмларнинг оммалашишида йирик корпорациялар назоратида бўлган телевидениеи айблаётган кузатувчилар ҳам йўқ эмас. Бундай урфларни кўз-кўз қилиш ортида одамни фақат ҳайвоний нафс билан яшайдиган жонзотга айлантиришдек тубан мақсадларни кўзда тутаётган катта куч, хатарли мафкура борлигидан асло кўз юмиб бўлмайди. Шунинг учун ушбу муаммони кенг миқёсда, дунёнинг барча мамлакатлари ва халқлари ҳаётига дахлдор масала сифатида ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Жаҳоннинг қайси бурчагида бўлмасин, маънавиятга қарши таҳдид пайдо бўладиган бўлса, ўзининг бугунги куни ва эртанги истиқболини ўйлаб яшайдиган ҳар бир онгли инсон, ҳар бир халқ ташвишга тушиши, унинг олдини олиш учун керакли чораларни кўриши шарт.

Бугун дунё ва атрофимизда кечаётган мураккаб жараёнлар, у ёки бу мамлакатда ирқчилик, миллатчилик, шовинизм, диний экстремизм кўринишидаги жиноятларнинг ортиб бораётгани, алкогол ичимликлар, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилаётган ёшлар сони кўпаяётгани маънавият ва маърифат масалаларига эътиборсизлик ҳар қандай давлат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини хавф остига қўйиши ва охир-оқибатда жамиятни таназзулга етаклаши мумкинлигини кўрсатмоқда. Олайлик, дунёдаги "энг фаровон" деб ном олган мамлакатлардан бири — Норвегияда ўтган йили содир этилган мудҳиш қотиллик дунё аҳлини қанчалик ларзага солганди. Европа тарихидаги энг йирик террорчилик ҳаракатларидан бирини содир этган Андерс Брейвик янги бир тушунчани — «Брейвик синдроми»ни юзага келтирди. Бу синдромнинг хавфи шу даражада каттаки, айрим таҳлилчилар бу Европа учун катта таҳдид эканлигини яширишмаяптилар.

Маълумки, ўтган йилнинг июль ойида Андерс Брейвик Утойя оролида Ишчилар партиясининг ёшлар лагерида 69 нафар кишини ўққа тутди, мамлакат пойтахтида бир қатор портлашларни амалга оширди. Натижада 77 киши дунёдан бевақт кўз юмди. Ўз хатти-ҳаракатини мамлакат маданияти хилма-хиллашиб бораётганига эътироз сифатида билдирди. Гап шундаки, Брейвик ўз қилмишини "Европанинг кўзини очиб қўйиш" мақсадида амалга оширганини қайд этмоқда. Бу, ўз навбатида, Европа мамлакатларидаги радикал гуруҳлар, хусусан, ёшлар орасида унинг фаолиятини қўллаб-қувватловчиларнинг кўпайишига хизмат қилмоқда. Умуман, Андерс Брейвик содир этган жиноят шунчаки Европа мамлакатларида иммиграцияга нисбатан шаклланаётган ахлоҳ эмас, балки қитъада маданий қарашларнинг, ахлоқий мезонларнинг емирилаётгани оқибатидир. Чунки ғарб жамияти учун хос бўлган турмуш тарзи, ҳаёт қадриятлари, индивидуализм охир-оқибат пуч бўлиб чиқаяпти.

Тан олиш керакки, бугун АҚШ, Европа, Осиё ва Африканинг қатор мамлакатларидаги нохуш манзаралар, айниқса, нафақат дунёвий, балки диний мактаб ва коллежларда ҳам тарбиячи-мураббийларнинг ўқувчиларни таҳқирлашлари, болалар порнографик суратларининг интернет сайтларига жойлаштирилиши билан боғлиқ можаролар маънавият мавзусининг тобора долзарб аҳамият касб этаётганидан далолатдир. Шунинг учун ҳам Европадаги қатор мамлакатлар парламентлари депутатлари мактабни нафақат таълим, балки асосий тарбия масканига айлантириш учун таълим тўғрисидаги концепцияни қайта кўриб чиқиш, мактаб ва оилаларда ўзаро меҳр-муҳаббат ва аҳилликни шакллантиришга, оммавий ахборот воситаларида эса зўравонликни тарғиб этувчи чиқишларни тақиқлашга чақирмоқдалар.

Хулоса ўрнида айтганда, бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли одамгина ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, ўз давлатининг жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин олиш учун фидойилик кўрсатиши мумкин. Бундай ҳисдан бегона миллат охир-оқибат таназзулга учраши муқаррар.

Шубҳасиз, ана шундай жараёнларда маънавий тарбия масаласи муҳим ўрин тутади. Бу масаладаги бефарқлик Юртбошимиз таъбири билан айтганда, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиз, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин. Шу боис, мустақилликнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда ёшлар тарбиясига, маънавият ва маърифат, миллий қадриятлар ва тарихни, хорижий тилларни ўрганиш, ёшларни илмга, касб-ҳунарга йўналтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани бежиз эмас.

Минг шукрлар бўлсинки, мамлакатимизда келажак ворисларни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларни баркамол шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва қўшимча имкониятлар яратилган. Юртбошимиз ҳам Конституциянинг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда бежиз ёшлар масаласига тўхталмадилар. Эртанги ёруғ келажагимиз ҳақида гапира туриб Президентимиз: ***«Бу йўлда бизнинг энг катта таянч ва суянчимиз, ҳал қилувчи кучимиз ёш авлодимиздир.***

Бу — Ўзбекистонда ташкил этилган, дунё миқёсида катта қизиқиш ва ҳавас уйғотаётган мутлақо янги ўқув тизимида юксак таълим-тарбия олаётган, эски асоратлардан, қарашлардан узоқ бўлган, замонавий касб-ҳунарларни ўзлаштирган, мустақил фикрлайдиган, эртанги кунга интилаётган бизнинг фарзандларимиздир.

Ҳар йили мамлакатимизда 600 мингдан зиёд бутунлай янгича шарт-шароит ва муҳитда камол топган ёш авлод вакиллари катта ҳаётга йўлланма олмоқда.

Ишончим комил, бундай ёшларимизнинг сафи қанча кўпайса, қанча ривож топса, ҳеч шубҳасиз, марра бизники, Ўзбекистонникидир», деб таъкидладилар.

Абдували АБДУЛБОҚИЕВ

Реклама

ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

ИКСЕЗ ТАШОБЛХОКИМИЯТА ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ ПО СЛЕДУЮЩИМ ОБЪЕКТАМ

Лот №10-3

Подлот: 10-1 «Капитальная реконструкция школы №55 в Зангиотинском районе под профессиональный колледж по профилю «сферы услуг» Ташкентской области».

Стартовая стоимость с НДС – 1 500 000 000 сум

Стартовая стоимость без НДС – 1 250 000 000 сум

Срок строительства – 210 дней.

Подлот: 10-2 «Капитальная реконструкция профессионального колледжа по профилю «педагогика» в г. Ангрен Ташкентской области».

Стартовая стоимость с НДС – 600 000 000 сум

Стартовая стоимость без НДС – 500 000 000 сум

Срок строительства – 150 дней.

Подлот: 10-3 «Капитальная реконструкция профессионального колледжа по профилю «социально-экономический» в Уртачирчикском районе Ташкентской области».

Стартовая стоимость с НДС – 800 000 000 сум

Стартовая стоимость без НДС – 666 666 666 сум

Срок строительства – 150 дней.

Лот: 11-3.

Подлот: 11-1 «Капитальная ремонт академического лицея при ТашГТУ в г. Янгиюль Ташкентской области».

Стартовая стоимость с НДС – 158 700 000 сум

Стартовая стоимость без НДС – 132 250 000 сум

Срок строительства – 60 дней.

Подлот: 11-2 «Капитальная реконструкцияЗангиотинского РМО Ташкентской области».

Стартовая стоимость с НДС – 2 850 000 000 сум

Стартовая стоимость без НДС – 2 375 000 000 сум

Срок строительства – 210 дней.

Подлот: 11-3 «Капитальная реконструкция Юкоричирчикского РМО Ташкентской области».

Стартовая стоимость с НДС – 3 779 200 000 сум

Стартовая стоимость без НДС – 3 149 333 333 сум

Срок строительства – 240 дней.

Лот: 12-3.

Подлот: 12-1 «Строительство медицинского пункта «Эртош» на перевале Камчик в Ахангаранском районе Ташкентской области».

Стартовая стоимость с НДС – 142 500 000 сум

Стартовая стоимость без НДС – 118 750 000 сум

Срок строительства – 80 дней.

Подлот: 12-2 «Строительство СВП «Новданак» в Паркентском районе Ташкентской области».

Стартовая стоимость с НДС – 378 000 000 сум

Стартовая стоимость без НДС – 315 000 000 сум

Срок строительства – 150 дней.

Подлот: 12-3 «Строительство СВП «Курама» в Ахангаранском районе Ташкентской области».

Стартовая стоимость с НДС – 450 000 000 сум

Стартовая стоимость без НДС – 375 000 000 сум

Срок строительства – 150 дней.

Финансирование проекта будет осуществляться за счет выделяемых извне бюджетного фонда реконструкции, капитального ремонта и оснащения образовательных и медицинских учреждений.

ВНИМАНИЕ! Отбор подрядной организации для выполнения работ по строительству и реконструкции объектов со стоимостью до 500 миллион сум и капитального ремонта финансируемых за счёт средств государственного бюджета и иных централизованных источников, осуществляется исключительно среди субъектов малого бизнеса.

Организатор торгов: Ташкентский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве Государственного комитета по архитектуре и строительству Республики Узбекистан.

Заказчик: ИКСЕЗ Ташоблхокимията.

Адрес заказчика: г. Ташкент, проспект Амира Тимурашох 17.

К претендентам на участие в конкурсных торгах предъявляются следующие квалификационные требования:

– наличие оборотных средств, в размере 20 % от расчетной стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственной базы, трудовых ресурсов и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), гражданская правоспособность и полномочия на заключения договора, наличие опыта работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, предоставление сведений о ранее выполненных объемах работ собственными силами, намечаемом объеме работ планируемом к выполнению собственными силами на конкурсном объекте.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных организаций, для оценки их конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции: при проведении оценки конкурсных предложений участников с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов по адресу: г.Ташкент, ул. Навоий дом 18. 308/311 комнаты. Телефон(факс): 241-15-26, 241-15-32.

Стоимость одного комплекта конкурсной документации – 150 000 (сто пятьдесят тысяч) сум.

Последний срок представления оферт организатору торгов приурочен ко дню и часу вскрытия оферт по адресу: г. Ташкент, проспект Амир Тимура, 17.

Вскрытие оферт состоиться не менее чем через 15 дней со дня опубликования объявления.

ЭКОЛОГИЯ

Тириклик томирига тиғ тортманг!

Кейинги йилларда жаҳон аҳли экологик муаммолар, табиий офатлар, бедаво хасталиклар қаршисида ночор қолаётир. Хўш, инсоният илм-фанда, тараққиётда нечоғли юксак чўққиларни эгаллагани ҳолда, табиат эрозияси, умумий уйимиз — ер куррасининг емирилиш фалокати олдида ожиз туришига сабаб нима? Она табиатни ўз ҳолича сақлаб қолиш учун инсоннинг қўлидан нима иш келиши мумкин?



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Абдукамол Раҳмоновнинг "Маънавий-экологик дахлсизлик ва ижтимоий адолат" номли рисоласини ўқиб чиқсангиз, мана шу долзарб муаммоларга бирмунча жавоб топгандай бўласиз. Ҳаркалай, беҳаловат руҳингиз бирмунча ором топади. Ер юзидаги барча жонзотларнинг сарвари ҳисобланган онгли мавжудот — инсоннинг сайёрамиздаги тирикликни сақлаб қолишда муносиб ва муайян роли борлигини ўқиб, кўнглингиз тўлади. Ер юзида ҳаётнинг, инсоният жамиятининг узоқ асрлар яшаб қолишига, янги-янги авлодлар истиқболига ишонч ҳосил қиласиз.

Рисола бугунги кунда барча мамлакатларда бўлганидек, ўлкамиз табиатига ҳам хавф солаётган маънавий-экологик инқирознинг олдини олиш, табиий ва ижтимоий фалокатлардан сақланиш йўлларини қамраб олгани билан қимматлидир. Муаллиф гапни инсоннинг онг мувозанати ёки маънавий дахлсизлик кафолатлари хусусидаги мураккаб жараёндан бошлайди. Халқимиз миллий менталитетидан келиб чиқиб, оиланинг маънавият дорилфунуни эканини эътироф этади, табиатга, жамиятга, инсониятга муносабат оиладан, катта авлоднинг кичик авлодга таъсиридан бошланишини тасдиқлайди.

Муаллифни, энг аввало онг эрозияси, яъни катталарнинг жаҳолати, нодонлиги сабаб ёшларнинг вайронкор сиёсат қурбонига айланиб, манқуртлашиши ташвишга солади. Миллий анъаналаримиздан келиб чиқиб, ёш авлод тарбиясини етакчи планга қўяди. У ахлоқий табиатимизнинг ўзига хослигини асосларкан, халқимизнинг энг қадим ёзма ёдгорлиги — "Авесто"да бола тарбияси борасида халқ номидан Яратганга қарата айтилган "Менга баркамол, ватансевар, аҳил, эзгу андишали, зулматдан, тангликдан қутқарувчи фарзандлар ато эт. Токи улар манзил, шаҳар, ўлка ва унинг номи ҳамда овозасини кўтарсинлар", деган иқтибосни ўз ўрнида келтиради.

Тадқиқотчи барча тирикликка, бор мавжудотга тўғри баҳо бермоқ, уларни қадрламоқ учун онг экологияси тоза, мусаффо бўлиши лозимлигини уқтиради: "Экология деганда кўпчилик олимлар фақат атроф табиий муҳит муҳофазасини тушунади. Аслида, экология — бу тирик организмларнинг ўзаро ва атроф-муҳитга бўлган муносабатини ўрганадиган фандир. Шу нуқтаи назардан қараганда, инсон тирик организм сифатида ўзига нисбатан экология фанининг объекти, атроф табиий муҳитга нисбатан эса субъект бўлиб ҳисобланади. Ваҳоланки, инсоният табиатнинг ажралмас бир бўлаги тариқасида ўзаро бир-бирини тийиб туриш ва умуминсоний қадриятларни рўёбга чиқаришда муносабатдошдир.

Кейинги йилларда экология фан сифатида ривожланиб, ўзига хос методологик йўналишларга эга бўлиш баробарида шу қадар жадаллик билан ижтимоий ҳаётга сингиб кетдики, ижтимоий-иқтисодий соҳанинг ушбу атама кириб бормаган ҳеч бир тармоғи қолмади ҳисоб. Ҳозирги вақтда эколог олимлар орасида "Инсон жисми экологияси", "Инсон қалби экологияси" ҳақида қизғин мунозаралар давом этмоқда. Дарҳақиқат, бирор-бир муносабатни мўътадиллаштириш учун, аввало, қалб тоза бўлиши мантиққа зид эмас, албатта инсон қалби бирор-бир хаттиҳаракатни бажариш ё бажармаслик ҳақида амр қилади. Онг эса шу буйруқни бажаришдан қутиладиган натижаларни муҳокама қилиб, унинг мувофиқ турини танлайди".

Муаллиф таъкидлаганидек, омма орасида кўчма маънода "Фалончининг мияси заҳарланган", "Писмадончининг мияси айниган" ёки "Миясига қурт тушган" деган иборалар қўлланилади. Бу тасодиф эмас, албатта. Мантиқан ушбу жумлалар замирида онг экологиясининг бузилишига оид ишоралар ётади. "Инсон онгининг заҳарланиши атроф-муҳитга нисбатан муносабатининг кескин ўзгаришига сабаб бўлади, — таъкидлайди А.Раҳмонов. — Агар киши ўз онгининг заҳарланишига қарши етарли иммунитетга эга бўлмаса, кириб келаётган ахборотларни синтез қила олмаса ва аксинча, ёмон ахборотларни қабул қилса, бу ахборотлар ақлни чалғитади. Натижада онг таназзулга учрайди. Масалан, билими саёз, маънавияти паст, иродаси суст, мушоҳадаси йўқ, жиззаки, тажанг одамларнинг онги тез заҳарланади".

Муаллиф маънавий таҳдид тарихи билан қизиқаркан, буюк маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг барча замонлар учун ҳаётий бўлган хулосаларига суянади: "Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдир. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур". Бу ҳикматга шарҳ ва изоҳнинг ҳожати йўқ, албатта.

А.Раҳмонов экологиянинг қайси тармоғи хусусида фикр юритмасин, аравани қуруқ олиб қочмайди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон "Адолат" социал демократик партиясининг фаол аъзоси, қолаверса, ҳуқуқшунос сифатида барча масалаларда республика кодекслари, қонун ҳужжатлари асосида турли жонзот-жониворлар, флораю фаунанинг дахлсизлиги, уларга зиён-заҳмат етказган жиноятчиларни қандай жазолар кутишини моддама-модда кўрсатиб, асослантириб беради. Шу ўринда, барча жазолар орасида инсоннинг ўз виждони олдидаги азобдан ортиқроқ жазо йўқ, деган хулосага келади муаллиф.

Китобда "Улар бизнинг дўстимиз" умумий сарлавҳаси остида халқаро ва Ўзбекистон Қизил китобига кирган ўсимлик ва жониворлар ҳаётига хавф солаётган таҳдидлар тўғрисида гап боради. Жайрон, қўён, турна, оққуш, боринги, барча камёб жониворларга ўз қавму қариндошига, биродарига бўлганидек меҳр-мурувват тилайди. Уларнинг айрим турларига қирон келиб, одамзот томонидан йўқ қилиб юборилаётгани хусусида бонг уради.

Хулоса қилиб айтганда А.Раҳмоновнинг "Маънавий-экологик дахлсизлик ва ижтимоий адолат" китоби бугунги ижтимоий ҳаётимизда маънавий-сиёсий долзарб масала сифатида катта аҳамият касб этади. Муаллиф ушбу рисоласи билан экологик масалаларни глобал сиёсий-иқтисодий муаммо даражасига олиб чиқа олган. Назаримизда, маънавий-экологик дахлсизликнинг барча қирралари қамраб олинган мазкур асар келажакда бу борада олиб бориладиган кенг кўламли илмий назарий, амалий ишларнинг дебоча-тезиси, яратилажак йирик тадқиқотларнинг эса пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Маҳмуд САТТОРОВ,
публицист

БУЮК ШАХСЛАР ҲАЁТИ

Турмушнинг муштлари пишитган адиб

ёхуд Жек Лондонни буюк қилган машаққатлар

АҚШнинг ўн олтинчи президенти Авраам Линкольн президент этиб сайлангунга қадар ўн саккиз марта сайловларда мағлуб бўлган экан. Бу маълумотни ўқиб, Вольтернинг қуйидаги сўзлари ёдимга тушди: "Буюк ишлар буюк қийинчиликларсиз бўлмайди". Ҳақ гап. Тарихнинг, бугунги куннинг буюк сиймолари йўлида учраган қаршиликлар, муаммо ва қийинчиликлар уларнинг матонатли шахс даражасига етишишида етакчи омил бўлган.

Жаҳон адабиётида ўзига хос ижод мактабига асос солган, дурдона асарлари ҳали-ҳамон қўлдан қўймай ўқилаётган америкалик буюк публицист, ёзувчи Жек Лондоннинг болалиги ниҳоятда оғир кечган, у болаликнинг беғамликлари, шўхлик-шодликларини билмай улғайган. Жек 1876 йилнинг 12 январида Сан-Францискода дунёга келганида отаси оилани тарк этган, онаси билан ажрашган эди. Кейинчалик онаси бошқа турмуш қурганига қарамай, оила мудом етишмовчиликда яшарди. Бўлажак адиб мактаб ёшига етгач, тунги соат учдан бошлаб кўча-кўйда тонгги газеталарни сотар, уйга қайтиб нонушта қилишга ҳам улгурмай тўппа-тўғри мактабга жўнарди. Дарслари тугаши билан кечки газеталарни тарқатишга мажбур эди. Болаликнинг беором йилларини эслаб у шундай ёзганди: «Ишлаб топган ҳар бир центимни зудлик билан уйга олиб келардим. Мактабда эса бошим, оёғим ва эгнимдаги кийим-кечагим абгорлигидан доим уялардим... Шанба кунлари муз таширдим, якшанбада эса маст-аласт ўйинчилар учун шарларни ўрнатардим".

У топган-тутганини уйига ташисада, оиланинг бири икки бўлмасди. Чунки ўсмирнинг кун бўйи тинмай ғимирлаб топгани урвоқ ҳам бўлмасди. Бир куни етти ёшли Жек синфдошининг халтасидаги бутерброддан бир бурда гўштни ўғирлаб олади. Кейинчалик адиб бу воқеани изтироб билан эслаб, бир мактубида шундай ёзади: "Мен гўштни едим, бироқ бу қилғиликни шундан сўнг ҳеч қачон такрорлаганим йўқ... Худо шоҳид! Ўзларига тўқ синфдошларим қорнлари тўйгач, гўшт бўлакларини ташлаб юборишар, мен эса уларни териб олиб егим келар; бунга тайёр турсам-да, ўзимни зўрга тутиб қолардим".

Мана шундай қийин шароитда ҳам Жек мутолаага вақт топар, ўқишга қизиқиши, адабиётга меҳри юқорилиги туфайли маҳаллий газеталарда чоп этилган хабарлар, мақолалар, роман ва повестларни мунтазам ўқиб боришни канда қилмасди. Шаҳар жамоат кутубхонаси ҳақида хабар топганда унинг қувончи ичига сиғмайди, тезда бу зиё масканига аъзо бўлади. Бошланғич таълимни тугатгач, Жек консерва фабрикасига оддий ишчи бўлиб ишга киради. Умуман, ҳаёти давомида оиласини таъминлаш учун унинг қўл урмаган иши қолмайди. Балиқ овлайдиган кемага денгизчи бўлиб ёлланади, олтин изловчилар билан ҳамкорлик қилади, ҳатто кирхонада терга ботиб ишлайди. Шундай машаққатли кунларда ҳам у имкон топиб китоб ўқир, мутолаани канда қилмасди. Аммо китобларни шунчаки ўқимас, балки уларни ўқишга, мағзини чақишга уринар, шу тариқа бадиий адабиёт ҳақида тасаввурини бойитиб борарди. Кейинчалик аста-секин ўзи ҳам қоғоз қоралай бошлайди.

Турмушнинг муштлари адибни болалигидаёқ аямаган, роса пишитган эди. Шу боисми адабиёт оламига, умуман, ўз даври адабий муҳитига кириш, унда ўз ўрнини топиш уни курашишга, сабр-бардош билан ижод қилишга ундайди. Бўлажак ёзувчи илк машқларини пайдар-пай таҳририятларга жўнатар, аммо улар қандай жўнатилган бўлса шундайлигича ортга қайтариб юборилларди. Бироқ омадсизлик уни изланишдан тўхтата олмади. Адиб ўша даврнинг йирик ёзувчилари бўлмиш Р.Киплинг, Р.Стивенсон, А.Бирсаларнинг ҳикояларини синчиклаб ўқир, услуб, мавзу танлаш каби бадииятга оид билимларни ўрганишга уринарди. Чўнтагидаги охирги чақаларига эса почта маркаларини сотиб олиб, ёзганларини қайта-қайта газета-журналларга юбораверарди.

Бундай машаққатли уринишлар охир-оқибат ўз мевасини беради. Ниҳоят, "Оверленд мансли" журналида унинг ҳикояси босилади. Бу унинг матбуотда чоп этилган биринчи ҳикояси эди. Жек журнални дўкон витринасида кўриб узоқ тикилиб қолади, чунки уни сотиб олишга қурби етмасди. Шунда у бир танишидан ўн цент қарз олиб, ўзи учун бебаҳо бўлган ўша журнални харид қилади... Шу тариқа адабиёт дунёси Жек Лондонга ўз эшикларини очади. Лекин бу ҳали эртаклардагидек "мурод-мақсадга" етишдан далолат эмасди. Гарчи унинг мақолалари, фельетон, памфлет, ҳикоялари, кейинроқ романлари чоп этила бошлаган бўлса-да, таҳририятлардан оладиган арзимаган қалам ҳақи тирикчилигини таъминлашга етмас, бироқ бу ҳам уни ёзишдан, ёзувчи бўлиш мақсадидан қайтара олмас эди.

Жек Лондонннинг биринчи китоби ҳақида фикр бирдирган танқидчилар тўпламдаги ҳикоялар "оташин ҳистуйғуларга лиммо-лим" эканини таъкидлашган. Адиб ижодига хос жўшқинлик, ҳаётийлик, қаҳрамонлари характеридаги шижоат, яшаш учун курашишдек фазилатлар унинг айнан ўзининг феъл-атворидан келиб чиққан. Айрим асарлари ҳақида айтилган аёвсиз танқидлар, ижод йўлида дуч келган баланд-пастликлар ҳам, худди болалик, ўсмирлик чоғида елкасига тушган турмуш муштлари каби Жек Лондонни Америка адабиётининг мумтоз адиблари қаторидан жой олишида ўзига хос омил бўлгани ҳам сир эмас.

Ҳеч ким онадан ўғри бўлиб туғилмайди, дейишади. Шу маънода, Жек Лондон сингари матонатли, мақсади сари имконсиз шароитдан имкон топиб илдамлаган ва машаққатлар чекиб муваффақиятга эришган шахслар ҳақида ўйлаганда бир ҳақиқатни — бу дунёга бирор киши ўз-ўзидан буюк ижодкор, улуғ шахс бўлиб келмаслигини англаймиз. Бундай инсонлар нафақат сара асарлари туфайли эъзозланадилар, балки ойдин орзулари йўлида тинимсиз курашиш учун ўзларида куч топганлари, ҳаёт қаршиликларини енгиб, табиат иньом этган истеъдодларидан эзгу мақсадлар йўлида фойдалана олганлари учун ҳам барчага бирдек ибрат бўладилар. Улар амалга оширган улуғ ишлар, яратган мумтоз асарлар, Жек Лондон сиймосида кўрганимиздек, орадан қанча вақтлар ўтса ҳам ўз қадр-қимматини сақлаб қолаверади.

Моҳира ОТАБОЕВА,
"Hurriyat" мухбири

БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ

Қаерга мурожаат қилай?

— Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет элда туғилган фарзандининг туғилганлиги консуллик муассасаси томонидан қайд этилмаган тақдирда, туғилганлик ҳолатини расмийлаштириш учун қаерга мурожаат қилиш мумкин?

Д.Ваҳобова
Избоскан тумани

Бундай ҳолатда чет элда дунёга келган боланинг туғилганлик ҳолати ота-она ёки улардан бирининг Ўзбекистон Республикасида яшаб турган жойидаги ФҲДЁ органи томонидан қайд этилиши мумкин. Туғилишнинг қайд этишнинг барча ҳолларида бола туғилган маъмурий ҳудуд унинг туғилган жойи сифатида ёзилади.

Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бола чет элда туғилган ҳолларда ўз вақтида туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасини олмасдан, орадан йиллар ўтиб ФҲДЁ бўлимига кўп мурожаат қилинмоқда. Бундай ҳолларда 1993 йил 22 январда қабул қилинган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларининг фуқаролик, оилавий ва жиноий ишларда ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Минск конвенциясига асосан боланинг туғилган давлатидан туғилганлик ҳақидаги тиббий гувоҳнома ва туғилганлик ҳолати ушбу давлатда қайд этилмагани ҳақидаги тегишли маълумот олинмагунча туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома расмийлаштирилмайди. Шунинг учун бола қайси хорижий давлатда туғилганидан қатъи назар, ўша давлатдаги Ўзбекистон Республикаси консуллик идорасига мурожаат қилинса, мақсадга мувофиқдир.

Никоҳ консул томонидан амалга оширилади

— Укам чет элда доимий яшайди, бироқ у Ўзбекистон Республикаси фуқароси. У никоҳини қайд этиш учун қаерга мурожаат этади?

С.Акбаров
Марҳамат тумани

Чет элда доимий яшовчи мамлакатимиз фуқаросининг никоҳини қайд этиш ўша давлат қонунчилигига асосан унинг ваколатли идораларида ёки Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаларида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс билан никоҳини қайд этиш (никоҳни қайд этиш консуллик муассасаси жойлашган ўша давлат қонунлари билан тан олинганда, шунингдек, ўша давлат ва Ўзбекистон Республикаси қатнашган битим ёки халқаро шартномаларга мувофиқ ҳолларда) консул томонидан амалга оширилади. Оила кодексининг 235-моддасига асосан бошқа давлат ҳудудида ўша давлат қонун ҳужжатларига риоя қилинган ҳолда мамлакатимиз фуқаролари, фуқароларимиз билан чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасида тузилган никоҳлар Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади.

Саволларга Андижон туман ФҲДЁ бўлими мудираси Мухтасархон ТЎРАЕВА жавоб берди.

Болангиз ҳам меросхўр ҳисобланади

— Турмуш ортоғим 2009 йил 11 мартда вафот этган. Ўша йилнинг 10 сентябрида фарзандимиз туғилган. Турмуш ўртоғимнинг мерос мулкига унинг вафотидан сўнг туғилган фарзандим ҳам меросхўр ҳисобланадими?

А.Дониёрова
Пахтаобод тумани

Ҳа, фарзандингиз ҳам меросхўр ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1118-моддасига кўра, мерос қолдирувчининг ҳаётлиги пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилганидан сўнг туғилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлиши мумкин.

Савдо дўконимни ўғлимга васият қилиб қолдирмоқчиман

— Мен ўзимга тегишли бўлган савдо дўконини ўғлим бошқараётган хусусий корхона номига васият қилиб қолдиришим мумкинми?

С.Иброҳимова
Марҳамат тумани

Мумкин. Мерос очилган пайтда тузилиб бўлган юридик шахслар, шунингдек, давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари васият бўйича меросхўр бўлиши мумкин.

Саволларга Андижон туманидаги 1-сонли ДНИ нотариуси Дилрабо ЭЛМУРОДОВА жавоб берди.

Зарарни ким тўлайди?

— Айтинг-чи, агар 12 ёшли бола автомашинага тош отиб, ойнасини синдириб қўйса, зарарни ким тўлайди?

А.Қодиров
Юнусобод тумани

Фуқаролик кодексининг 993-моддасига кўра, 14 ёшгача бўлган вояга етмаган болалар томонидан етказилган зарар учун унинг ота-онаси (фарзандликка олувчилар) ёки васийлари, агар зарар уларнинг айби билан етказилмаганини исботлай олмасалар, жавобгар бўлади. Шунингдек, агар васийликка муҳтож кичик ёшдаги бола тегишли тарбиялаш, даволаш, ижтимоий ҳимоя қилиш муассасасида ёки қонунга кўра васийси ҳисобланадиган бошқа шунга ўхшаш муассасада турган бўлса, бу муассаса бола томонидан етказилган зарарни тўлаши шарт.

Умуман олганда, 18 ёшгача бўлган давр инсон умрида энг нозик, энг мураккаб давр ҳисобланади. Бу пайтда фарзандларимизни ўз ҳолига ташлаб қўйиш, уларнинг тарбияси, илми ва маънавияти билан шуғулланмаслик салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Саволга Миробод туманидаги 8-сонли ДНИ нотариуси Меҳринисо ОТА-МИРЗАЕВА жавоб берди.

ХОТИРА АЗИЗ

"Олимп"гача пиёда

Театрда ижод қилувчиларнинг аксарияти тирик тарих, мактаб яратган санъаткорлардир. Улар ҳақида зикр этилса, булоқ сувидек тиниқ, вазмин хаёллар онгу шуурримизга қуйилиб келаверади. Ўзбекистон Қаҳрамони Зикир Муҳаммаджонов ҳам санъатнинг ана шундай беғубор намояндаларидан саналади.

...Ўшанда қиш чилласи эди. 1921 йилнинг қаҳратон маҳали. Чорсунинг бедабозорида Муҳаммадқори Иброҳим ҳожи оиласида туғилган фарзанднинг тақдири санъатга мойил чиқди. У йиллар ўтиб, 1938 йил ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театрига ишга кирди.

Зикир Муҳаммаджонов 1943 йилдан расман ўзининг актёрлик салоҳиятини намоён қила бошлади. У театрнинг ижодий жамоаси билан фахрланар, ҳар бир актёрнинг бетакрор академия эканлигини юрак-юракдан ҳис қилар эди. Шу сабабдан ҳам унинг ижроси ўз маромида бўларди. Ёш актёр вақти келиб Олим Хўжаев яратган Комилов ("Имон"), Обид Жалилов ижро этган Мирзакаримбой ("Қутлуғ қон"), Жўра Тожиевнинг почтахона нозири ("Ревизор") образларини қайтадан жонлантирди.

Зикир ака кино ва телевидениеда ҳам кўплаб ўлмас характерлар яратдики, уни ҳақли равишда актёр-ёзувчи дейиш мумкин эди. Юзлаб мақолалари, "Таъзим", "Ўзим кўрган, билганларим", "Улуғлар орасида" китобларида ўзбек санъати, санъаткорлари ҳақида ёзди.

Одам ўз касбининг моҳияти, фалсафасини чуқур англамас экан, ундан етук мутахассис чиқмайди. Лавҳамиз қаҳрамони санъат, хусусан, етук намояндалари фаолиятидан батафсил хабардорлиги боис санъатшуносликнинг нозик жиҳатларини чуқур англарди.

Зикир ака фақат ўзи фаолият юритаётган театр жамоасининг ижоди билан чекланиб қолмади, балки Соиб Хўжаев, Аббос Бакиров, Ҳамза Умаров, Раззоқ Ҳамроев сингари санъаткорлар ҳақидаги нозик кузатишларини қаламга олди. Бошқача айтганда, бу соҳада асаларидек меҳнат қилди: актёрлар ижодидан янгиликлар излади, улар ҳақида матбуотда мунтазам чиқишлар қилди.

Эътироф этиш мумкинки, Зикир ака томонидан театр, телевидение ва кинода ижро этилган ҳар бир роль санъаткор қалбининг ҳароратли парчаси эди. Қолаверса, актёр ижро этган ролларнинг барчаси баҳс, ижодий мунозара хусусиятига эга.

Унинг ёзувчи Одил Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси" романи асосида яратилган видеофильмда Мирзо Улуғбек образи ўзининг маърифий кўркамлиги, бор салобати билан ҳалигача мухлислар қалбида яшаб келмоқда.

Актёр ўзи яратган турли характердаги образлар ҳақида шундай деганди: "Театр, кино ва телевидениеда кўплаб характерлар яратдим. Улар орасида Мақсуд сингари чашма сувидай покизалари ҳам бор..."

Чингиз Айтматовнинг Едигей Жангелдин образини ер фарзанди, оламни тутиб турган устунлардан бири дегим келади. Муаллиф яратган қаҳрамон не-не уқубатларга дуч келмади, дейсиз?! Аммо у одам боласидан қўлини ювиб қўлтиққа урмади. Қозонгапдай дўсти содиқ топди, бева Зарифани юракдан севди... Едигей ролини ижро этаётган Зикир Муҳаммаджонов кўз ёши тўкмасдан йиғлайди, қадди сезиларли даражада букилиб қолади. Актёр ўз қаҳрамони руҳиятини таъсирли, ҳаётбахш сўзлар воситасида томошабинга етказади. Деҳқонбой ("Шоҳи сўзана") унинг илк ролларидан бири бўлди.

У жаҳон мумтоз драматургиясига тааллуқли асарлардан бир қатор образларни яратди. Монсеро ("Ўлимдан кучли"), Борис ("Момақалдироқ"), Юсуф ("Алибобо ва қирқ қароқчи") сингари образларни эслайлик.

"Олтин мерос" жамғармаси мутасаддилари йўлланмаси билан Зикир Муҳаммаджонов билан суҳбат қуриб, уни тасмага ёзиб олгандик. Шу жараёнда билдимки, суҳбатдошим санъатимиз тарихи, жаҳон тамаддунида унинг тутган ўрни, ривожланиш босқичлари ҳақида жуда кўп маълумотларга эга, аллақачон Олимп юксаклигига кўтарилиб бўлган экан. У санъат арбоби сифатида ўзбек театр ва кино санъати обрўсини орттириш учун талай ишларни уддалади.

Ўзбек санъаткорлари орасида салкам бир аср яшаганлари ниҳоятда кам. Зикир Муҳаммаджонов яратаётган характерларни мукаммаллаштириш асносида ўзлиги билан курашди, режиссёр ва асар муаллифи билан баҳслашди. У асабий ҳолатлардан чиқишнинг ажойиб йўлини биларди: қишин-ёзин камида икки соат пиёда юриш машқини олганди. Ишхонадан уйга, уйдан ишгача яёв бориб, яёв қайтарди. Кексайиб қолганида ҳам бу одатини канда қилмади. Куз кунларининг бирида Хадра майдонидан бошлаб у кишига ҳамроҳ бўлдим. Суҳбатлашиб кетавердик. "Тинчлик" бекатига етгач:

— Зикир ака, қаранг, автобус ва трамвайлар турнақатор ўтиб турибди. Йўловчилар ҳам кам.

— Бўлмайди, — деди ҳамроҳим. Кўзида қувлик шуъласи ёнди. — Биласиз, мен миллионерман. Америкадан Тошкентга келган набирам бир қизни яхши кўриб қолди. Уни олиб кетиш учун денгиз ошиб самолётда келдим. Неварам соддагина кишилар уйида яшар, болаларга инглиз тилини ўргатаркан. Неварамни кўргани келдим-у, совчи бўлиш ҳам чекимга тушди. Қизнинг отасига миллион доллар қалин пули ваъда қилдим. У карахт бўлиб турганини сезмабман-да, "яна миллион қўшдим" деб юборибман. Қизнинг отаси "шилқ" этиб ағдарилди. — Зикир ака хандон уриб кулди. — Дейлик, ҳозир, ўзингиз айтгандай, турнақатор ўтиб турган автоуловга минсак, нима бўлади? Мени томошабинлар миллионер бобо сифатида яхши танийди. Отахон касод бўлибди, деб ўйлашмайдими? Албатта ўйлайди. Шундай экан, келинг, яёв кетаверайлик...

Шу зайл "Беруний" метро бекатигача етиб қолганимизни сезмадик. "Миллионер бобо" билан хайрлашиб, йўл-йўлимизга тарқадик. Мен университетга, Зикир ака аста-секин одимлаганча "Талабалар шаҳарчаси"-даги хонадони сари интилди. Иродали бу инсонга ҳавас билан боқмасликнинг иложи йўқ эди.

Оила — юксак парвоз майдони. Зикир Муҳаммаджонов ҳавас қилса арзийдиган оила бошлиғи эди. Турмуш ўртоқлари Машҳура ая билан етмиш йил умргузаронлик қилдилар. Бири биридан ақлли-ҳушли фарзандларни тарбиялаб камолга етказдилар.

Хуллас, ўтган асрнинг йигирма биринчи йилида Иброҳим ҳожининг учинчи ўғли Муҳаммадқори оиласида туғилган ўғил ўсди, унди, элу юртига, дунёга танилди. Айнан шу инсон санъаткорлардан биринчи бўлиб Ўзбекистон Қаҳрамони бўлди ва умрининг поёнигача мартабасига гард юқтирмай яшади.

> *Одам ўз касбининг моҳияти, фалсафасини чуқур англамас экан, ундан етук мутахассис чиқмайди. Лавҳамиз қаҳрамони санъат, хусусан, театр санъати, унинг тарихи, етук намояндалари фаолиятидан батафсил хабардорлиги боис санъатшуносликнинг нозик жиҳатларини чуқур англарди.*

Абдуғафур РАСУЛОВ,
ЎзМУ профессори

МУСИҚАШУНОСЛИК ТАРИХИДАН

Ўзбекистон халқ артисти Мухтор Ашрафийнинг сеҳрли оҳангларга ошуфта ҳолати муҳрланган ушбу суратнинг олинганига 85 йил бўлди. Унда Самарқанд музика ва хореография институтининг навқирон талабаси, 16 яшар Мухтор Ашрафий дўсти Толибжон Содиқов билан бирга фонограмма ёзувларини тингламоқда. Айтиш керакки, бу фонограммалар қадимий мусиқий дурдоналар бўлиб, уларни халқ оғзаки ижодидан йиғиб тўплаш ва граммафон пластинкаларига ёзиб олишда ёш Мухтор Ашрафий ҳам фаол иштирок этган.

Бўстондаги боқий умр

Ўша кезлари бу қутлуғ гўшада Фитрат, Чўлпон, Ғулом Зафарий, Юнус Ражабий, Муҳиддин Қори-Ёқубов, Ота Жалол Носир ўғли, Муҳаммад Юсуф-Чокар, Имомжон Икромов, Ҳожи Абдулазиз Расулов, домла Ҳалим Ибодов ва бошқа кўплаб олим, шоир ва санъаткорлар миллий анъаналарни сақлаб қолиш, халқимизнинг маънавий тафаккур илдизларини чуқурлаштириш, қадриятларимизни янада янги поғоналарга кўтариш учун ҳаракат қила бошлаганлар.

1928 йилда Самарқанд музика ва хореография илмий текшириш институти ташкил топган. 1912 йилда Бухорода, Ашрафжон ҳофиз оиласида таваллуд топган бўлғуси бастакор Мухтор Ашрафий мазкур институтнинг қалдирғоч талабаларидан ҳисобланарди. Бу даргоҳда у ўзбек ва шарқ халқлари мусиқий мероси ҳақида устоз санъаткорлардан сабоқ олди. Қадимий ўзбек куй ва қўшиқларини йиғиш, ёзиб олишни ўрганди.

Қўлимизда Н.Мироновнинг 1931 йилда чоп этилган "Ўзбек ва бошқа шарқ халқлари мусиқа маданияти обзори" китоби бор. Бу китоб шоир ва хаттот, бастакор ва созанда Матюсуф Харротов — Чокар кутубхонасидан бизга эсдалик бўлиб қолган. Уни Чокарнинг қизи Муслима опа Харротова ҳаётлик пайтларида бизга топширган эди. Унда иқтидорли талаба, мусиқа оламининг шайдоси, бўлғуси атоқли бастакор Мухтор Ашрафийнинг бир неча сурати, ўқиш жараёнидаги ибратли ишлари ҳақида ҳам ҳикоя қилинади. Ушбу китобни варақлар эканмиз, унинг ўзига хос ўқув дарслиги, нодир мусиқий қўлланма эканлигидан огоҳ бўламиз. Бинобарин, китобда ўзбек ва шарқ халқларининг қадимий созлари, уларнинг ўзига хос тузилиши, мусиқий имкониятлари, ижро услублари атрофлича баён этилган. Энг муҳими, ундан ўзбек, тожик, турк, афғон мақомлари, уларнинг этник илдизлари, мақом ижрочилик мактаблари ҳақида ноёб ва қизиқарли маълумотлар кенг ўрин олган.

Ёш Мухтор институтда Ота Жалол Носиров, домла Ҳалим Ибодов, Абдураҳмон Умаров, Аҳмаджон Умрзоқов, Абдуқодир Исмоилов, Матюсуф Харротов-Чокардан турли қадимий созлар, уларнинг ижро имкониятлари, санъаткор маҳорати ҳақида сабоқ олади. Асрлардан асрларга кўчиб келаётган мусиқий мерос, мақомот илми, фольклор ижодиёти анъаналарини, унинг архаик-ибтидоий илдизларини ўрганади. Шунингдек, ёш талаба бу даргоҳда Европа мусиқаси, монодиядан полифониягача бўлган мусиқа назарияси, композиция, симфоник асарлар яратиш, уларни оркестрлаштириш, вокал-симфоник асарлар, дирижёрлик санъати, мусиқий театрлар масалаларида ҳам етарлича билим ва тушунчаларга эга бўлди.

Мухтор Ашрафий талабалик чоғидаёқ ўзининг кўп қиррали мусиқий иқтидорини намоён эта бошлади. Жумладан, у "Садраш" деб номланган илк маршини талабалик йилларидаги дўстлари Толибжон Содиқов, Шариф Рамазоновлар билан биргаликда ёзди. Мусиқашунослар "Садраш" бу учта ёш композитор фамилияларининг қисқартирилиб берилганидир (Содиқов, Рамазонов, Ашрафий) деб таҳлил этадилар.

Самарқандда уч йил мобайнида таҳсил олиб, анча-мунча билим ва малака орттирган Мухтор Ашрафий Тошкентга, мусиқали драма театрига ишга таклиф этилади. Бу ерда у дирижёр ва бадиий раҳбар сифатида мусиқали драмалар ёзди ва ўзбек театрига симфоник оркестрни татбиқ этди. Шу билан биргага ўзининг билим ва салоҳиятини муттасил ошириб борди.

Дарвоқе, Мухтор Ашрафий опера ва балет асарлари устида ҳам ишлар экан, ўзбек мақом мусиқаси асосларига, халқ куй ва қўшиқлари, фольклор мероси сарчашмаларига мурожаат этди. Энг асосийси, миллий мусиқий оҳангларни, Европа ва жаҳон симфоник мусиқаси билан уйғунлаштиришга эриша олди. Унинг улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг "Сабъаи сайёр" достони асосида яратилган "Дилором" операси, ундаги оммавий саҳналар, инсон меҳру муҳаббати, меҳнат кўтаринкилигини тараннум этувчи хор ва оркестрнинг авж пардаларда садоланиши бунга мисол бўла олади.

Мухтор Ашрафий ўзининг "Музика менинг ҳаётимда" номли китобида Алишер Навоий номидаги опера ва балет катта театри ҳамда Тошкент Давлат консерваторияси опера кафедрасида кўп йиллар хизмат қилгани тўғрисида ҳикоя қилади. Бундан ташқари, у мазкур китобда ўзи яратган опера ва балет асарлари қаҳрамонлари ролини ижро этган Карим Зокиров, Ҳалима Носирова, Саодат Қобулова, Галия Измайлова, Эргаш Йўлдошевлар билан фахрланиб, уларнинг ўзбек опера ва балет санъатини дунё саҳналарига олиб чиқишда тенгсиз иқтидор эгалари эканини эътироф этган.

Мухтор Ашрафий ўзбек саҳнасида "Севги тумори", "Матонат", "Темур Малик", "Муҳаббат ва қилич" каби балет асарларини яратган нафис идрокли санъаткор бўлган. Бундан ташқари, у бир неча кинофильмларга ҳам мусиқа ёзган. Бастакор кўплаб симфоник асарлар, вокал мусиқалар, дилрабо куй ва қўшиқлар, романслар муаллифи ҳамдир. Ёшлигидан созларга меҳр қўйиб, тенгсиз созанда бўлиб етишган Мухтор Ашрафий кейинчалик жаҳон симфоник мусиқа асарларини ҳам пухта эгаллади ва ўлмас асарлар яратди. Бугунги ёш ижрочилар ҳам композитор ижодини севиб ўрганишмоқда, жаҳон саҳналарида уларни ижро этиб, санъаткор руҳини шод этишмоқда.

Мадина БЕГАЛИЕВА,
санъатшунос

ТАКЛИФ

ТИЛИМИЗДА ҚАНЧА СЎЗ БОР?

Тарихий тараққиётдан аёнки, тил муайян ҳудудда яшаган аҳолини бир миллат сифатида жипслаштирган, яъни халқ сифатида башариятга танитган. Шунинг учун ҳам жаҳон илм-фани, бадиий адабиёти тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган буюк алломаларимиз ҳам сўзга юксак эътибор билан қарашган. Хусусан, ҳазрат Алишер Навоий "Лайли ва Мажнун" достонида сўз аҳамиятига қуйидагича таъриф беради:

Айтиб совумас таронасен сен,
Олиб қуримас хизонасен сен.

Тил қабул қилинган махсус меъёрларсиз яшай олмайди. Меъёрлар эса, тилнинг ўзи каби ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ ҳолда ўзгариб, ривожланиб, такомиллашиб боради. Шу боис, ҳар бир даврда тилнинг изоҳли луғатига эҳтиёж сезилади. Шунга қарамай, айрим халқларда ҳозиргача изоҳли луғат мавжуд эмас.

Ўзбек тили тарихан бой тил ҳисобланади. Кўпгина халқлар ўз тил луғатларига эга бўлмаган бир даврда Маҳмуд Кошғарий туркий сўзлар бойлигини араб тилида изоҳлаб, ўша давргача халқимиз яратган лисоний бойликни бизга буюк мерос қилиб қолдирган. Бундан ташқари, луғат бўйича яна тўққизта миллий манба мавжуд. Булар: Маҳмуд Замахшарийнинг "Асос ул-балоға" ва "Муқаддамат ул-адаб", "Ат-туҳфатуз-закияти фил-луғатит-туркия", Толе Имони Ҳиравийнинг "Бадое ул-луғат", "Абушқа" номи билан машҳур луғат, Муҳаммад Ёқуб Чингийнинг "Келурнома", Муҳаммад Ризо Хоксорнинг "Мунтахаб ул-луғот", Мирзо Маҳдийхоннинг "Санглоҳ", Сулаймон Бухорийнинг "Луғати чиғатойи ва турки усмоний" каби асарларидир.

Камида минг йиллик бой тарихга эга ўзбек луғатчилигида луғатларнинг аксарияти икки, айримлари кўп тилли бўлган. Ўтган асрнинг 80-йилларигача замонавий ўзбек тилининг изоҳли луғатини яратишга етарлича эътибор берилмаган. 1981 йили чоп этилган икки жилдли "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" ҳам бугунги кун талабига жавоб беролмай қолди.

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритиб, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлгандан сўнг лексикамизга янги-янги сўзлар кириб кела бошлади. Табиийки, бу тушунча ва атамалар ўз номи билан ифодаланиши лозим. Қолаверса, тарихимизга, бой миллий меросимизга, муқаддас динимизга муносабат ўзгарди. Бу эса талайгина сўз (атама)ларнинг қайта муомалага киритилишига замин яратди. Умуман, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий ҳаётдаги ўзгаришлар туфайли тилимиз лексик қатламида янги сўз ҳамда атамалар юзага келди. Мана шу жараёнлар ҳисобига эндиликда луғатчилик талаблари ҳам ўзгариб, такомиллашиб бораяпти.

Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти олимлари томонидан яратилган беш жилддан иборат "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да моҳиятан ҳозирги ўзбек тилининг сўз ва турғун сўз бирикмалари изоҳланган. Уларнинг сони 80 мингдан ортиқ. Аввалги луғатга эса 60 минг сўз киритилган эди. Орадаги тафовут 20 минг сўзни ташкил этмоқда. Маълумки, луғатчиликда 20 минг сўз катта ҳажм ҳисобланади. Чунки олимларнинг фикрича, энг сўзамол, бийрон воиз ҳам ўз нутқида атиги 2 мингтача сўздан фойдаланар экан. Кейинги изоҳли луғатга қўшилган 20 минг сўзнинг аксарияти тилимизга сўнгги йилларда кириб келган ёхуд қайта фаоллашган сўзлардир. Албатта, турли сабабларга кўра олдинги изоҳли луғатга кирмай қолган сўзлар ҳам мазкур луғатдан жой олган. Шу ўринда бир савол туғилади: ўзбек тилида қанча сўз бор?

1981 йили чоп этилган икки жилдли "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" тилимизнинг сўз бойлигини тўла қамраб ололмаган эди. Чунки унда неча асрлар мобайнида муомалада бўлиб келган сўз ва сўз бирикмалари, мумтоз адабиётимиз намуналаридаги бой хазинага деярли жой ажратилмаганди. Натижада кўплаб ўзбекча сўзлар истеъмолдан чиқиб кетган. Ваҳоланки, биргина буюк мутафаккир Алишер Навоий ўз асарларида 26 мингдан ортиқ сўздан фойдаланган. Тўғри, бу сўзларнинг бир қисми ҳозир ҳам луғатларимизда бор, лекин улуғ шоиримизнинг бугунги адабий тилимизда қўлланмаётган яна қанчадан-қанча сўзлари борки, уларни билгимиз келади. Очиғи, мумтоз адабиётимиз тилига оид мукаммал луғат ҳозиргача тузилмагани таажжубланарли. Тўғри, тўрт жилддан иборат "Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати" бор. Аммо ўтмишда миллатимиз сўз бойлигига муносиб ҳисса қўшган бошқа мумтоз адибларимиз ҳам бор-да!

Яқин келажакда ўзбек тилининг мукаммал изоҳли луғати тузиладиган бўлса, унга шевага хос ҳамда мумтоз адабиётимизда қўлланилган дурдона сўзлар киритилса, луғат бойлигимиз 150 минг сўздан ҳам ошиб кетса, ажабмас.

Тоҳир РАВШАН,
талаба

✓ БУ ШУНДАЙ ТУЙҒУКИ

ИЛАШ ЧЎПОН

илтимоси

Вилоятларда бўлиб ўтган учрашувларнинг бирида менга шундай номани тутқазишди: *«Шоир оға! Менинг кенжа ўғлим (исми Хуррамбек) ҳозир Америкада ўқияпти. Ўзга юртларнинг ялтур-юлтури ақлини олиб, шу ёқларда қолиб кетмаса, деган хавотирдаман. Сиздан илтимосим, юртимизни таърифлаб, бир шеър ёзсангиз. Бу шеърингиз газетада чиқса, мен уни ўғлимга жўнатардим. Шундай ёзингки, уни ўқиб, ўғлим ўз юртини соғиниб, унга интилиб яшасин...*

Сизга олдиндан раҳмат айтаман.

Илаш чўпон».

Бу хат узоқ вақт ён чўнтагимни куйдириб юрди... Сўнг қалбга кўчди ва шу шеърни ёздим.

ХУРРАМБЕККА МАКТУБ

Эй чўпон фарзанди, закий Хуррамбек,
Бегона диёрда омон бормисан?
Биламан, илмга чанқодирсан, лек
Гоҳ-гоҳ юртингни ҳам соғинармисан?

Аёнки, Ҳуррият тенгдошисан сен,
Шу боис исминг ҳам Хуррамбек эрур.
Қад тиккан Ватанинг тутмишки кифтин,
Сен жаҳон саҳнида юрибсан мағрур.

Азал ғаройибдир, билсанг, чархи дун,
Дунёда юртлар кўп, ажиб, мафтункор.
Лекин отанг каби менинг ҳам бу кун
Сендан жиндаккина хавотирим бор.

Ўта ҳайратомуз замон одими,
Жаҳлу жозибанинг бисёрдир тури.
Ишқилиб, ҳушингдан оғдирмадими
Ҳайбатли шаҳарнинг ялтир-юлтури?

Бундай дамлар зикр эт шуниким, яъни
Дилингни ортиқча таваллодан тий:
Ахир, минг йил бурун ушбу қитъани
Кашф этиб қўйган-ку, бобонг Беруний.

Ғарбни илм юксакка кўтармишдир, ҳа,
Компьютер — ақлнинг зўр қаноти бу.
Лекин лол қолма сен унинг олдида,
Аждодинг Хоразмий кашфиёти бу.

Айтмай кўя қолай Сино тавсифин,
Унга бешик эрур қадим Афшона.
Минг бир дардга даво тополган у, чин,
Шундан номи унинг мудом афсона.

Жаҳонни кўп кездим, гапимга ишон,
Ҳаёт тарзин кўрдим турфа юрт-элнинг.
Лекин Ўзбекистон энг гўзал макон,
Десам, сен гапимга ишонгин менинг.

Учратмадим замин ҳеч бир ерида
Гўзал Фарғонанинг тароватини.
Алишмоқ мумкинми, Париж сеҳрига
Мирзачўл тунининг ҳаловатини?

Ҳамал оқшомлари Аму мавжида
Жилвалар қилганда олтин шуъалар,
Бу оний манзара ажиб савт ила
Қалбга мангуликнинг сафосин солар.

Бу қадим тупроқни сеҳрга ўрар —
Самарқанд устида ҳилол-ойбалдоқ.
Паркент қизларининг дудоғин бўяр
Чоткол қирларида ёнган қизғалдоқ.

Қизилқум саҳросин баҳри тўла қут,
Қулоқ тут Мурунтов жаранг сасига.
Мироқи устида сузган оқ булут
Эврилар Сангардак шалоласига.

Боққанмисан одам илк ижодига —
Қоя тўшидаги, юксак жойдаги?
Бермасман Луврнинг бор бисотига
Биргина расмни Сармишсой[1]даги.

Намангада шовқин солса Ғоваксой,
Ўрик гулга кирар Кўкон томонда.
Бухорога лайлак қайтди, ҳойнаҳой,
Бўзда жийда гули ўт ёқар қонда...

Қай бирин таърифлай бу гўзалликнинг,
Ватан деганлари — чаппар чаман бу.
Боболаринг сенга қолдирмиш уни,
Сендан зурёдингга меросдир мангу.

Кимгадир эрур у абадий армон,
Не тонг, кўргай уни фақат хаёлда, —
Ундан айро тушмиш чунки бир замон,
Боғдан узилган барг мисол шамолда.

Шўролар пайтида бир кекса адиб
Сўйлаб берган эди хориж сафарин.
Бир уйга мусофир қавм тўпланиб,
Тинглабди ютоқиб унинг гапларин.

Адиб сўзларини тугатгани дам
Улар бири дебди, овози титроқ:
«Эй, мўътабар меҳмон, бизга Ватандан
Келтирмадингизми, бир сиқим тупроқ?»

Айтибди ўз узрин адиб: «Йўқ, бироқ
Келтирдим сизга шу чинни лаганни.
Қалбингиз эзганда соғинч ва фироқ,
Эслатиб турғайдир сизга Ватанни».

Уни бир мўйсафид олиб қўлига,
Силабди, гўёки тафт топгандек дил.
Сўнгра у совғани илкис, шаҳд ила
Синдирибди давра қошида чил-чил.

Дебди: «Териб олинг синиқ-парчани
Ва ўранг авайлаб рўмолчангизга.
Уйингиз тўрида асрангиз уни,
Шояд Ватан бўйин таратгай сизга...»

Эсимда, Ҳуррият шабадасида
Ёшлар қучоқ очиб чиқди дунёга.
Юзларида сурур, лов-лов нашида,
Қалблар ташна эди нурга, зиёга.

Менинг танишим ҳам ёлғиз ўғлини
Йўллади хорижга ният-ла пойдор.
Қанча йиллар ўтди, ота бунда зор,
Қайтмади у фарзанд юртига бир бор.

Бойлик ишқи тушган балки дилига,
Балки айшу ишрат танин яйратган.
Меҳр қайдан бўлсин унда элига,
Наҳот тушларига кирмайди Ватан!

Ишонгум — Ватанга қайтгунг сен, бешак,
Ишбоши бўларсан, балки, каттакон.
Ё илмда парвоз қилурсан юксак,
Мўъжиза яратиб қозонарсан шон.

Умр деганлари синовдир, билгин,
Ҳаёт бу — ҳамиша тиконли сўқмоқ.
Сен тоғ жилғасидек олға интилгин,
Орзунинг манзили ҳамиша йироқ.

.....

Сен шу юрт эркаси ҳамда эртаси,
Шаҳлу имконларинг ҳеч билмасин чек.
Ватан муқаддасдир, гапнинг қисқаси,
Сен уни эъзозла, севгин, Хуррамбек!

Мирпўлат МИРЗО

---

1 Сармишсой (Навоий вилояти, Қоратоғ тизмасида жойлашган) — қадимги замон мусаввирлари томонидан бизга мерос қолдирилган қоятош расмларининг бетакрор, улкан галереяси. Бу ўзига хос галереяда 10 мингдан ортиқ тасвирлар мавжуд. Суратли қоятошлар Сармишсой бўйлаб 2 километрга қадар чўзилган.

✓ ОЛАМ СИНОАТЛАРИ



Газетамизнинг ўтган сонларида ҳурматли муштарийларимиз эътиборига Марсга қўндирилган ҳамда у ерда тадқиқот ишларини муваффақиятли бошлаган «Marsioxity Curiosity» фаолияти ҳақида айрим маълумотларни ҳавола этган эдик. Шов-шувларга сабаб бўлган марсаход эндиликда Миррихни қай даражада забт этмоқда? Бу барчани қизиқтириши табиий. Шу боис, кеманинг энг муҳим янги одимлари ҳақида вақти-вақти билан сизларни таништириб боришни лозим топдик.

МАРСДА

ҳаёт нишоналари топилдими?

Маълумки, «Curiosity»га ўрнатилган «MastCam» фотокамераси Марснинг биринчи рангли кўринишини суратга олди. Бундан ташқари, аппарат Гейл кратери геологияси ҳақида атрофлича маълумотлар йиғишни бошлади. НАСА мутахассислари ускуналарнинг иш жараёнини синаб кўришди. Улар «MastCam» томонидан олинган рангли суратларнинг 130 тасини қабул қилишди.

Жорий йилнинг 31 октябрида олинган маълумотга кўра, Марснинг сатҳи Гавайи ороллари ўхшаш деб топилди. Марсаход қизил сайёра сатҳида рентген кузатувини ўтказди. Таҳлил натижаларига кўра, Миррихнинг ярми аморф моддалари, қолган ярми минераллар, шунингдек, кристалл магмалар ҳосил қиладиган дала шпати, пироксен ва оливинлардан ташкил топган. Бундай таркиб худди Гавайи ороллари вулқон қолдиқлари каби базальт (шишасимон) вулқон турини эслатади.

2003 йилдан буён ер ости телескоплари ва орбитал зонтлар орқали тажриба ўтказиб келаётган олимлар «қизил сайёра»да метан бор деб тахмин қилишар, лекин бу фаразлигича қолиб келаётган эди. Сўнгги фазовий тадқиқотлар ушбу тахминларга нуқта қўйди: сайёрадан метан топилмади. Акс ҳолда Марсда қачонлардир ҳаёт бўлгани тасдиқланган бўларди.

Lenta.ru маълумотига кўра, НАСА «Curiosity» томонидан тузилган Гейл кратеридаги шамоллар харитасини чоп эттирди. Бундан ташқари, сайёра атмосферасидаги босимнинг кўтарилиш ва тушиш даражаси аниқланди. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, тун ва кун оралиғидаги атмосфера босимининг фарқи 10 фоизни ташкил этар экан. Астрофизикларнинг фикрига қулоқ тутсак, кундузги босимнинг пасайишига сайёра юзасининг исиши ва бунинг натижасида атмосферада кучли ҳаво оқимининг ҳосил бўлиши сабаб бўлаяпти. Шу билан бир қаторда, Марсда радиоактив нурланиш даражасининг ўзгариши ҳам кузатилган. Уни ўлчаш учун марсаход махсус RAP детектори билан жиҳозланган. Мазкур аппаратнинг аниқлашича, нурланиш даражаси сайёрадаги атмосфера зичлигига боғлиқ равишда ўзгаради. Маълумки, Ер ҳимояловчи магнит майдонига эга. Марс сайёраси эса бундай майдон билан ўралмаган. Унинг жанубий қисмида катта миқдордаги карбонат ангдрид гази бўғланиши ва қуруқ муз шакли тўпланиши натижасида мавсумий ўзгаришлар юзага келиши ҳам аён бўлди.

Изланишлар давом этаётган бир пайтда «Ниҳоят, Марсда метан топилибди» деган шов-шувли хабарлар яна тарқаб кетди. Бироқ тадқиқотчи Гроцингер буни «Миррихдан топилган метан» аслида Флоридадан жўнатилгани билан изоҳлади. Интернетдаги кўпгина расмий сайтларнинг хабарига кўра, 2 декабрь куни «қизил сайёра»да оддий органик моддалар топилган. Бундай моддалар инсон организмида учрамайди. Улар маиший мақсадлар учун ишлатилади.

Бу ҳақда АҚШнинг Сапенса университети тадқиқотчиси Чарльз Элачи: «Бу дастлабки хулосалар. Шуни ҳам унутмаслик керакки, мазкур топилма органик моддаларга тегишли бўлиб, у биологик моддалар турига хос эмас», — дейди.

Эслатиб ўтамиз, биологик моддалар ҳаёт мавжудлигини таъминловчи асосий омилдир. Марсда биологик моддалар мавжуд бўлган тақдирда ҳам марсаход уларни аниқлашга қодир эмас. Чунки аппарат биологик шаклларни таний оладиган қурилма билан жиҳозланмаган. Қолаверса, НАСА мутахассислари ОАВ орқали бонг урилаётган Марсда ҳаёт излари топилгани хусусидаги барча миш-мишларни инкор этиб, у ерда фаолият кўрсатаётган техник жиҳозлар ҳеч қандай органик моддаларни топа олмаганини таъкидлади.

Тадқиқотчилар яқин кунларда янада ҳайратланарли кашфиётлар бўлишидан умидвор. Ана шулардан бири Марсдаги атмосферанинг зичлиги Ерникига нисбатан юз марта сийраклиги, энг қизиғи, «қизил сайёра» таркибини таҳлил қилиш жараёнида углерод ва аргон изотоплари бирикмасига дуч келингани бўлди.

Айни кунларда «Marsioxity Curiosity» аппарати «Time» журналидаги «Person of the year» («Йил одами») танловида шу даврга қадар Миррихда олиб борган фаолияти натижалари, жумладан, ўз фотоальбоми билан иштирок этмоқда. Маълумки, мазкур мукофотни илк жонсиз объект сифатида 1982 йилда ҳозирги кўринишга эга компьютер олган эди.

Гўзал МАЛИКОВА,
«Hurriyat» мухбири

✓ ФУТБОЛ

ТАЙЁРГАРЛИК РЕЖАСИ АНИҚ

Ўзбекистон футбол федерацияси мамлакатимиз терма жамоаларининг 2013 йилги иш режасини тасдиқлади. Мазкур дастур терма жамоаларимиз янги йилдаги масъулиятли мусобақаларда муносиб қатнашишини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Хабарингиз бор, футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси келгуси йили бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида иштирок этади. Шу боис, 2013 йилнинг дастлабки ойидан бошлаб ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиш режалаштирилган. Аниқроғи, футболчиларимиз дастлабки йиғинни 8-15 январь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказишади. Кейин Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ташкил этиладиган МДҲ кубоги турнирида иштирок этишади. Маълумот ўрнида айтиб ўтиш мумкинки, вакилларимиз Қирғизистон, Қозоғистон ва Россия терма жамоалари билан бирга турнирнинг "В" гуруҳидан жой олган. Эътиборлиси, ушбу турнир Аҳмаджон Мусаев шогирдлари учун 2013 йилдаги илк халқаро расмий мусобақа бўлади. Аммо терма жамоамизнинг ўқув-йиғин машғулотлари шу билан тўхтаб қолмайди. Келгуси йилнинг февраль ойида Туркияда, март ва апрель ойларида эса Европада йиғинлар ўтказилади.

Ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритган Дилшод Нуралиев бошчилигидаги яна бир терма жамоамиз ҳам тайёргарликка зўр бериш ниятида. Маълумотларга кўра, ўсмирларимиз 25 январь куни пойтахтимизда машғулотларни бошлашади. Бундан ташқари, ёш футболчилар иштирокида Европа ва Осиё мамлакатларида йиғинлар ўтказиш, халқаро ўртоқлик учрашувлари ва мусобақаларда қатнашиш ҳам кўзда тутилган.

Эслатиб ўтамиз, ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати келаси йилнинг 16 июнь — 13 июль кунлари Туркияда, ўсмирлар иштирокидаги мундиал эса 17 октябрь — 8 ноябрь кунлари Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилади.

Азим РЎЗИЕВ

ЙЎҒ-ЕЙ!

ДОЛЛАРНИНГ ФОНОГРАММАСИ

Ёш санъаткорлардан бири фонограмма билан тўйни ўтказибди. Тўй соҳиби ҳисоб-китоб вақтида унга ҳеч ваҳо бермабди.

— Бунақасига келишмовдикку! Қани ваъда қилинган минг доллар, — дебди ашулачи хуноби ошиб.

— Тўғри, қўшиқ айтиб, меҳмонларимни хурсанд этсанг, сенга минг доллар бераман, деганим рост.

— Нега унда ваъдангизни бузяпсиз?!

— Сен қўшиқ айтмадинг-ку, энди шунинг учун минг долларнинг фонограммасини оласан-да!

— Йўғ-ей!

Сур БЕК

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил: info@uzhurriyat.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Фирдавс АБДУҲОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ғулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САЙДОВ
Сайдо УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 233-67-51; Тел-факс 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: Тел:233-36-02.

Вилоят мухбирларимизнинг телефон рақамлари:
Бухоро — (+99890)-557-40-17,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — 8-376-396-30-59,
Фарғона — (+99891)-672-82-33,

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528
9 772010 752002 >

Индекс:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Хасан САЛОМОВ

Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 21 00

Адади: 6242 Буюртма — Г-1255 1 2 3 5